

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

«ТЕХНИКА» ФАКУЛЬТЕТИ

«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

факультет декани
К. ҚОСИМОВ

«__»____ 2012 й.

«ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ»

кафедра мудири
Н.ХАЛИЛОВ

«__»____ 2012 й.

““UZ-DONG JU PAINT CO” ҚЎШМА КОРХОНАДА МЕҲНАТНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
САМАРАДОРЛИГИ” МАВЗУИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Техника” факультети, “Иқтисодиёт” йўналиши
4-курс талабаси Исомиддинов Асилбек Улугбекович

ИЛМИЙ РАҲБАР: и.ф.н., доц. С.Аъзамов

МАСЛАҲАТЧИЛАР: и.ф.н., доц. А.Саримсақов
и.ф.н., катта ўқитувчи Д.Исроилова

ТАҚРИЗЧИЛАР:

1. “Uz-Dong Ju Paint Co” ҚКда режа
иқтисод бўлими бошлиғи
2. “Fikentex Andijon” Малайзия шуъба хорижий
корхонаси раҳбари

Х.Умаров

АНДИЖОН-2012 й.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
«ТЕХНИКА» факультети, «ИҚТИСОДИЁТ» кафедраси,
«ИҚТИСОДИЁТ» йўналиши 1 гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
кафедра мудири
Н.Халилов

« ____ » ____ 2011й.

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Исомиддинов Асилбек Улугбекович

1. Битирув ишининг мавзуси ““Uz-Dong Ju Paint Co” ҚҚда меҳнатни ташкил этиш хорижий тажрибаларни қўллаш самарадорлиги” №5-сонли «5» декабр 2011й. кафедра мажлисида маъқулланган.
2. Битирув ишни топшириш муддати “ ____ ” « ____ » 2012 й.
3. Битирув ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар иқтисодий адабиётлар ва “Uz-Dong Ju Paint Co” ҚҚнинг уч йиллик ҳисобот маълумотлари
4. Хисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)
 - 2.1.1-жадвал. “Uz-Dong Ju Paint Co” ҚҚда ходимлар сонининг ўзгариши
 - 2.1.2-жадвал. Корхонада ходимлар таркибини таҳлили
 - 2.1.3-жадвал. Корхона ишчи ходимлари ҳаракатининг динамикаси
 - 2.1.4-жадвал. Иш вақти фондидан фойдаланишнинг таҳлили
 - 2.2.1-жадвал. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари таҳлили
5. Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади)
 - 1.2.1- жадвал. *Иш жойларининг ихтисослашганлик даражаси*
 - 2.2.2-жадвал. Таҳлил натижаларини умумлаштириш
 - 3.1.1- жадвал. Европа Иттифоқи давлатлари корхоналарида меҳнатни ташкил қилиш режаларини жорий қилишда рухий-физиологик ва санитария-гигиена тадбирларининг тахминий самарадорлиги

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчи(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф. и. ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	Кириш	С.Аъзамов	20.12.2011	04.01.2012
2.	Меҳнатни ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари	А.Саримсақов С.Аъзамов	06.01.2012	26.02.2012
3.	““Uz-Dong Ju Paint Co” ҚҚда меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат омили таҳлили	С.Аъзамов Д.Исроилова	28.02.2012	16.04.2012
4.	“Uz-Dong Ju Paint Co” ҚҚда меҳнатни ташкил этиш хорижий тажрибаларни қўллаш самарадорлигини ошириш	С.Аъзамов А.Саримсақов	18.04.2012	04.05.2012
5.	Хулоса ва таклифлар	С.Аъзамов Д.Исроилова	12.05.2012	30.05.2012

7. Битирув ишини бажариш режаси

№	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.1.	Меҳнатни ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унинг аҳамияти	10.01.2012	
1.2.	Иш жойини ташкил этиш ва режалаштириш ҳамда унинг хусусиятлари	17.01.2012	
1.3.	Меҳнатни ташкил этиш хорижий тажрибалари ва ривожлантириш стратегияси	25.02.2012	
2.1.	“Uz-Dong Ju Paint Co” қўшма корхонасида меҳнатни ташкил этиш, ходимлар билан таъминланганлик ва иш вақти фондидан фойдаланиш таҳлили	14.03.2012	
2.2.	Корхонада маҳсулот айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари таҳлили	14.04.2012	
3.1.	Корхонада меҳнатни ташкил этишда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш	15.05.2012	
3.2.	Меҳнат муносабатларини ривожлантириш орқали самарали меҳнатни ташкил этиш йўллари	30.05.2012	

Битирув иши раҳбари С.М.Аъзамов _____
(ф.и.ш.) (имзо)

Топшириқни бажаришга олдим А.Исомидинов _____
(ф.и.ш.) (имзо)

Топшириқ берилган сана «15» декабр 2011йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I-БОБ. МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1.** Меҳнатни ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унинг аҳамияти
- 1.2.** Иш жойини ташкил этиш ва режалаштириш ҳамда унинг хусусиятлари
- 1.3.** Меҳнатни ташкил этиш хорижий тажрибалари ва ривожлантириш стратегияси

II-БОБ. ““UZ-DONG JU PAINT CO” ҚҚДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МЕҲНАТ ОМИЛИ ТАҲЛИЛИ

- 2.1.** “Uz-Dong Ju Paint Co” қўшма корхонасида меҳнатни ташкил этиш, ходимлар билан таъминланганлик ва иш вақти фондидан фойдаланиш таҳлили
- 2.2.** Корхонада маҳсулот айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари таҳлили

III-БОБ. “UZ-DONG JU PAINT CO” ҚҚДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

- 3.1.** Корхонада меҳнатни ташкил этишда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш
- 3.2.** Меҳнат муносабатларини ривожлантириш орқали самарали меҳнатни ташкил этиш йўллари

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар муваффақияти, хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият юритиши, ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган меҳнатни илмий ташкил этишнинг ўзгаришига бевосита боғлиқ бўлади. Маълумки, ишлаб чиқариш омилларининг бирикишида инсон омили фаоллигини белгиловчи меҳнат муносабатлари мазмуни, унинг амал қилиш механизми доимо такомиллашиб боради.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «... инсон манфаати биринчи ўринда туриши, ...фаровон ва бахтли ҳаёт учун қандай эркинликлар зарур бўлса, ҳаммасини туғдириб беришимиз лозим».¹ Буларнинг барчаси меҳнатни тўғри ташкил этишни талаб этади. Шунинг учун иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат муносабатлари юз беришида муайян тафовутлар бўлиши табиий, чунки улар ўзида тармоқ хусусиятларини ҳам ва меҳнатни илмий ташкил этиш асослари тўғри ифодаланган бўлиши керак. Бу жиҳатдан олганда мамлакатимиз қўшма корхоналарида меҳнатни илмий ташкил этишнинг хорижий тажрибалари ва унинг ўзига хос хусусиятларидан самарали фойдаланиш керак.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштиришдан кутилаётган муҳим натижалардан бири-юксак иқтисодий самарадорликка кўмаклашувчи хўжалик юритишнинг илғор шаклларида фойдаланишдир. Корхонада меҳнатни ташкил этишда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш орқали меҳнат муносабатларининг иқтисодиётини модернизациялаш талаблари асосида такомиллашуви учун йўл очилади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, меҳнатни илмий ташкил этиш орқали манфаатлар уйғунлигига эришилади.

¹ Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади / 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлаган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // – Т. Халқ сўзи, 2012, 20 январь, № 14 (5534), –2 б.

Бугунги кунда меҳнатни илмий ташкил этиш муносабатларининг мазмуни, тамойиллари ва хусусиятлари иқтисодийни модернизациялаш жараёнида қабул қилинаётган янги қонунлар, Президент фармонлари ва бозор қонуниятлари асосида юзага чиқаётган янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлари таъсирида тез ўзгармоқда. Жумладан, меҳнат илмий ташкил этиш доирасида юзага келаётган меҳнатни муносабатларининг назарий асосларини иқтисодийни модернизациялаш шароитида ўрганиш ва унинг натижаларини ҳаётга тадбиқ этиш зарурияти юзага келмоқда. Амалий жиҳатдан “Uz-Dong Ju Paint Co” қўшма корхонасида меҳнатни ташкил этиш, ходимлар билан таъминланганлик ва иш вақти фондидан фойдаланиш таҳлилини аниқлаш бугунги кунда ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Меҳнат жараёнини такомиллаштириш, меҳнатнинг хорижий усул ва услубларини жорий қилиш, бунга ходимларнинг юқори меҳнат унумдорлигини таъмин этувчи энг оқилона меҳнат жараёнини лойиҳалаш ва тадбиқ қилиш, шунингдек, меҳнатнинг хорижий усул ва услубларини аниқлаш, ўрганиш, танлаш ва ёйиш йўли билан эришишлади. Бу иқтисодий муносабатлар корхона иқтисодиёт фанининг долзарб устувор йўналишларидан бири сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнатни илмий ташкил муносабатлари муаммоси МДХ мамлакатларининг қатор иқтисодчи олимлари, Г.Слезингер, И.А.Волгин, М.Ю.Гусаева, О.В.Ромашов, Т.Ю. Коршунова, Ю.А.Барько ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган². Ўзбекистонда меҳнатни илмий ташкил этиш муносабатлари ва уларнинг такомиллашиб ўзгариб бориш асослари Президентимиз И.А.Каримовнинг маъруза ва асарларида илгари сурилган. Шунингдек, А.А. Абдуғаниев, Қ.Х. Абдурахмонов, Х.П. Абулқосимов, Ю.В. Вороновский, Л.П. Максакова, Р.Ҳ. Шодиев, Ш.Ш. Шодмонов, Ф.У. Мамарасулов, Д.Н. Раҳимова, Р.А.

² Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики. М.: 1996; Коршунова Т.Ю. Словарь по трудовому праву. М.: БЕК. 1998; Ромашов О.В. Социология труда. М.: Гардарика, 1999;

Убайдуллаева, Р.Х. Хусанов, Д.А. Ортикова, Б.Умурзаков, З.Р. Худайбердиев, М.М. Мирзакаримова каби олимларнинг илмий ишларида меҳнат муносабатларини мазмуни, шаклланиши ва унинг такомиллашувининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.³

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётда турли мулк шакллари ривожланишида вужудга келадиган меҳнатни ташкил этиш хорижий тажрибаларни қўллаш самарадорлиги оширишга қаратилган илмий тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Бу мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни талаб қилади:

- меҳнатни ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унинг аҳамиятини ўрганиш;

- иш жойини ташкил этиш ва режалаштириш ҳамда унинг хусусиятларини очиқ бериш;

- меҳнатни ташкил этиш хорижий тажрибалари ва ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқиш;

- “Uz-Dong Ju Paint Co” қўшма корхонасида меҳнатни ташкил этиш, ходимлар билан таъминланганлик ва иш вақти фондидан фойдаланиш таҳлил қилиш;

- корхонада маҳсулот айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари салмоғини аниқлаш;

- корхонада меҳнатни ташкил этишда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш;

- меҳнат муносабатларини ривожлантириш орқали самарали меҳнатни ташкил этиш йўллари бўйича илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

³ Абдурахманов Қ. Х., Мамарасулов Ф. Меҳнат иқтисоди.- Т.: ТДИУ, 1996; Абулқосимов Ш.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари.-Т.: Молия, 2005; Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекистане. – Т.: Узбекистан. 1989; Б.Умурзаков, М.Рахимов. Меҳнат муносабатлари ва менталитет.-Т.: Ўзбекистон, 2005; Ш.Шодмонов., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси.-Т.: Молия, 2002; Рахимова Д.Н. Управление процессами развития и использования трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. - Т.: ТГТУ, 2000.-247; Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: Теория, практика, проблемы. - Т.: Узбекистан, 1994.

Ишнинг объекти, “Uz-Dong Ju Paint Co” қўшма корхонаси ҳисобланади.

Иқтисодийни модернизациялаштириш шароитида меҳнатни илмий ташкил этишда хорижий тажрибалар самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва бир тизимга келтириш **ишнинг илмий янгилиги** ҳисобланади. Шунга мувофиқ, ишнинг илмий янгилиги қуйидаги ҳолатларда аниқ намоён бўлади:

- меҳнатни ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиб берилди;

- иш жойини ташкил этиш ва режалаштириш ҳамда унинг хусусиятлари шрганилди;

- меҳнатни ташкил этиш хорижий тажрибалари ва ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди;

- “Uz-Dong Ju Paint Co” қўшма корхонасида меҳнатни ташкил этиш, ходимлар билан таъминланганлик ва иш вақти фондидан фойдаланиш таҳлил қилинди;

- корхонада маҳсулот айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари салмоғи аниқланди;

- корхонада меҳнатни ташкил этишда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий хулосалар ишлаб чиқилди.

Ишнинг таркиби. Кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I-БОБ. МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Меҳнатни ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унинг аҳамияти

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат рақобатбардошлигига эришишнинг асосий йўлларида бири – меҳнатни ташкил этиш, нормалаш ва шулар асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш кундан-кунга катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёни – бу, аввало меҳнат жараёнидан иборат бўлиб, у киши меҳнати, меҳнат предмети ва меҳнат воситаларини ўз ичига олади. Меҳнат – кишиларнинг маълум бир мақсадга қаратилган онгли фаолияти бўлиб, бу фаолият натижасида улар табиатдаги мавжуд нарсаларни ўзгартириш, ўз эҳтиёжларига мослаштириш орқали моддий неъматлар ва маданий бойликлар яратадилар. Меҳнатнинг шу тариқа ифода топган моҳияти ҳар қандай кишилиқ жамиятида ҳам ишлаб чиқаршнинг асосий шарти бўлиб қолаверади. Чунки, меҳнатсиз моддий неъматлар яратилиши, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнининг бўлиши мумкин эмас.

Киши меҳнати йўналтирилган табиатдаги барча нарсалар меҳнат предмети, дейилади. Кишилар ўз меҳнат предметиға қандай воситалар билан таъсир кўрсатсалар, ана шунга меҳнат воситалари, дейилади. Меҳнат воситалари орасида меҳнат қуроллари муҳим роль ўйнайди. Меҳнат предмети билан меҳнат воситалари биргаликда ишлаб чиқариш воситаларини ташкил қилади. Аммо ишлаб чиқариш воситалари ҳар қанча замонавий, ривожланган, такомиллашган бўлса-да, ҳатто жаҳон стандартлари талабларига тўла жавоб берса-да, ўз ҳолича ҳаракатга келмайди. Улар фақат ишчи кучи, яъни инсонинг меҳнат қобилияти билан бирлашгандан сўнггина ҳаракатга келади, меҳнат жараёни амалга ошади, моддий неъматлар ишлаб чиқарилади ёки маълум хизматлар кўрсатилади. Демак, меҳнат жарёни, яъни

моддий неъматлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида кишиларнинг бевосита меҳнати муҳим роль ўйнайди.

Шу сабабли меҳнатни оқилона ташкил этиш ва нормалаш, уни мақсадга мувофиқ сарфлаш, бекордан-бекор исроф бўлишига йўл қўймаслик ва шулар асосида ишлаб чиқаришнинг, хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитидаги муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Меҳнат жараёни таркибий қисмлари (усул ва услублар)нинг мураккаблиги ва хилма-хиллиги, уларининг бажарилиш тартибини мустақил танлаш, ҳисоблаш, лойиҳалаштириш ва мувофиқлаштириш имкониятлари меҳнатнинг мазмунига муҳим ўзгаришлар киритади. Шунини таъкидлаш жоизки, меҳнатни ташкил этиш, нормалаш ва уни бошқаришнинг объекти жонли меҳнат бўлгани учун бу фаннинг ўтмишдаги буюмлашган меҳнат билан алоқаси йўқ, деган хулоса чиқармаслик керак. Аксинча, улар бир-бирлари билан жуда ҳам яқин ва алоқадор ҳамда боғлиқ, чунки буюмлашган меҳнат сарфи нормасининг кўпайиши, масалан, бир оддий ва ҳаётий мисолни олсак, яъни кетмон дастаси тайёрлашда жиҳознинг кесиш чуқурлиги ҳаддан ташқари, яъни нормада кўрсатилганидан кўп, янада чуқурроқ бўлса, бу ҳолат жонли меҳнат сарфининг ҳам кўпайишига олиб келади. Ўз навбатида, жиҳознинг ишлаш тартибини асосланмаган равишда ошириш натижасида, кўшимча жонли меҳнат сарфини қисқартиришга интилиш эса, асбоб-ускуналарнинг муддатидан олдин синишига, жиҳозларнинг ҳаддан ташқари ейилишига, эскиришига ёки ишдан чиқишига сабаб бўлади, яъни буюмлашган меҳнат сарфи миқдорини кўпайтиради.

Минг афсуски, меҳнат унумдорлигини оширишни секинлаштирувчи ва тўхтатувчи омиллар бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида ҳам мавжуд. Чунки, маҳсулот ишлаб чиқараётган, хизмат кўрсатаётган корхоналар ишлаб чиқариш харажатларини тўхтовсиз камайитириш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайитириш билан эмас, балки ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки кўрсатаётган хизматлар камчиллигидан,

танқислигидан фойдаланиб, уларнинг баҳоларини ошириш эвазига режалаштирилган миқдорда даромад (фойда) олишга эришмоқдалар. Бундай ҳол, ўз навбатида, нафақат бошқариб бўлмайдиган инфляция жараёнининг янада ривожланишини кучайтиради, балки ҳар томонлама илмий асосланган меҳнат нормаларини кенг жорий этиб, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини қискартиришга умуман имкон бермайди.

Меҳнатни ташкил этишнинг мазмуни:

- корхоналарда техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишининг ривожланиши; ходимларнинг маданий-техник даражаси ўсиб бориши муносабати билан меҳнат тақсимоти ва кооперациялаштириш такомиллаштирилишидан;

- иш жойларини ташкил этиш ва ижрочини унинг физиологик ва антропометрик характериға ҳамда эстетик идрокига мос бўлган асбоб-ускуналар билан таъминлаш, иш жойларига хизмат кўрсатишни узлуксиз яхшилаб боришдан, иш вақтининг исроф бўлишини йўқотадиган энг самарали хизмат кўрсатиш тартибларини жорий қилишдан;

- меҳнат жараёнини такомиллаштириш, меҳнатнинг хорижий усул ва услубларини жорий қилиш, бунга ходимларнинг юқори меҳнат унумдорлигини таъмин этувчи энг оқилона меҳнат жараёнини лойиҳалаш ва татбиқ қилиш, шунингдек, меҳнатнинг хорижий усул ва услубларини аниқлаш, ўрганиш, танлаш ва ёйиш йўли билан эришишдан.

Ижтимоий ва хусусий секторлардаги ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этиш учун бир қанча вазифаларнинг ҳар бирини бир вақтнинг ўзида ва бир-бирига боғлиқ ҳолда комплекс ҳал этиш лозим. Иқтисодий вазифалар провардида иш вақтини тежаш бўлиб чиқади. Лекин бу йўналишда энг юқори даражаларга эришиш учун соғлом меҳнат шароити ва натижаларидан манфаатдорликни таъминлаш зарур бўлади. Шу муносабат билан бозор иқтисодиётининг

ҳозирги шароитида корхоналарда меҳнатни ташкил этишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий вазифалар. Буларга меҳнат самарадорлигини барча чора ва тадбирлар билан ошириш, меҳнат ва моддий ресурслардан энг унумли фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш кабилар киради.

2. Санитария-гигиена ва психо-физиологик вазифалар. Буларга ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, техника ҳафсизлигини таъминлаш, бутун иш вақти давомида нормал ишлаш қобилиятини таъмин этиш мақсадида ҳар жиҳатдан (комплекс равишда) уларнинг ижтимоий структурасини, жинсини ва ёшини етарли даражада ҳисобга олиб, яхшилаб боришлар киради.

3. Ижтимоий вазифалар. Буларга ходимларни ҳар томонлама ва гармоник ривожлантириш, меҳнатнинг мазмундорлиги, ёқимлилиги, уни бажариш босқич ва тартибларининг оддийлигига эришиш, ижодийлигини, ижрочиларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш, меҳнатни энг зарур ҳаётий эҳтиёжга айлантириб бориш кабилар киради.

4. Ташкилий вазифалар. Буларга иш жойини ташкил этишнинг соҳалар, мутахассислар ва касблар бўйича намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда участка ва цехларда хизмат кўрсатишнинг намунавий лойиҳаларини жорий қилиш доирасини кенгайтириш, меҳнатни ташкил этишга доир масалаларни бир-биридан ажратмаган ҳолда ҳал этиш кабилар киради.

Одатда, меҳнатни ташкил этиш ишлари бир қанча йўналишлар бўйича олиб борилади. Улардан асосийлари қуйидагилардир:

1. Корхоналарда техника, технология, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкил этиш жараёнларининг ривожланиши, ходимларнинг маданий-техника даражаси ўсиб бориши муносабати билан меҳнат тақсимооти ва кооперациялаштиришни такомиллаштириш. Бу вазифаларни ҳал этиш энг аввало, ижрочиларни жой-жойига қўйишни ва уларнинг иш вақтидан самарали фойдаланишини таъминловчи энг мувофиқ йўллари белгилашни,

кўп жиҳозда ва кўп агрегатда хизмат кўрсатиш ҳамда касблар ўриндошлигининг энг самарали шакллари танлашни, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жамоасидаги ҳар бир аъзонинг вазифаларини, ҳуқуқ ва бурчларини аниқ ва тўғри белгилашни кўзда тутди.

2. Ходимларнинг иш жойларини ташкил этиш, уларга хизмат кўрсатишни доимо такомиллаштириб бориш, ходимни антропометрик асбоб-ускуналар (одам гавдасининг айрим қисмлари ҳамда характериға, эстетик идрокига мос асбоб-ускуналар) билан таъминлаш, иш жойларига иш вақтининг беҳуда сарфланишиға барҳам берадиган, ҳеч бўлмаса камайтирадиган энг самарали хизмат кўрсатиш тизимларини жорий қилиш.

3. Меҳнат жараёнларини таомиллаштириш, меҳнатнинг усул ва услубларини жорий қилиш. Бу ишға ходимларнинг юқори меҳнат унумдорлигини таъмин этувчи энг рационал меҳнат жараёнини лойиҳалаш ва жорий қилиш, шунингдек, меҳнатнинг хорижий усулларини ўрганиш, танлаш ва амалиётға жорий этиш йўли билан эришилади.

4. Меҳнатни нормалашни такомиллаштириш, унинг илмий даражасини юксалтириш, жорий қилиш соҳаларини кенгайтириш, илмий жиҳатдан асосланган меҳнат нормалари ва нормативларининг салмоғини ошириш.

5. Оғир, сермеҳнат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини механизациялашни тезлаштириш ҳисобига меҳнат шароитини барча чоралар билан яхшилаш, ишловчилар учун зарур санитария-гигиена шароитини яратиш, меҳнат ва дам олишнинг қулай тартибларини қўллаш, ишлаб чиқариш муҳитини эстетик (функционал музикадан фойдаланишни ҳам назарда тутиб) жиҳатдан ўзгартириш.

6. Кишиларнинг ўзаро энг қулай меҳнат алоқаларини қарор топтириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, ходимларнинг меҳнатда ижодий фаолиятини ривожлантириш.

Меҳнатни ташкил этиш ва нормалашни такомиллаштириш ишлари физиологлар ва психологларнинг иштироки билан улар берган тавсиялар асосида олиб борилиши керак.

Юқорида қайд этганимиздек, меҳнат физиологик жараён бўлиб, бунда одам жисмоний ва ақлий энергия сарфлайди. Ақлий энергия сарфи билан жисмоний энергия сарфининг турли нисбатда бўлиши эса, меҳнатнинг мазмунига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Меҳнат жараёнининг таркибий қисмлари (усуллари, ҳаракатлари, кимирашлари)нинг мураккаблиги ва хилма-хиллиги, бу қисмларнинг бажарилиш тартибини мустақил танлаш, ҳисоблаш, режалаштириш ва мувофиқлаштириш имкониятлари меҳнатнинг мазмунига муҳим ўзгаришлар киритади.

Ҳар бир жамиятда меҳнатнинг мазмуни, интеллектуаллиги фан-техника инқилоби таъсирида узлуксиз кенгайиб ва ортиб боради. Ишлаб чиқаришнинг, хизмат кўрсатишнинг, автоматлаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг автоматик воситаларини жорий этиш жисмоний меҳнатнинг, айниқса, оғир жисмоний меҳнатнинг улушини камайтиради, ишловчи ходимнинг юқори маълумотли бўлишини талаб этади, меҳнатни тобора ижодий меҳнатга айлантира боради. Меҳнат ҳар бир кишининг ҳаётий эҳтиёжига айланиши учун объектив шарт-шароит шу тариқа аста-секин ривожлана боради.

Иш қобилияти, деганда одамнинг ўз саломатлигига шикаст етказмай, миқдор ва сифат кўрсаткичларини пасайтирмаган ҳолда конкрет ишни бажара олиш имкониятини узоқ вақт сақлаши тушунилади.

Меҳнатни нормалаш билан меҳнатни ташкил этишнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, режалаштирилган тадбирларни жорий қилиш меҳнатга ҳақ тўлашнинг шундай шакли ва тизимларини ишлаб чиқиш ва қўлланиш билан бирга олиб борилиши керакки, бу шакл ва тизимлар ходимларда меҳнатнинг ҳар томонлама асосланган хорижий усул ва услубларини қўлланишдан, иш вақти, жиҳозлар, асбоб-ускунлар ва хом ашёлардан мумкин қадар самарали фойдаланишдан моддий ва маънавий манфаатдорлик ҳиссини туғдириши керак.

Маълумки, меҳнатни ташкил этиш («ташкилот») тушунчасининг келиб чиқиши лотинча *organisatio*-келишга шакли маълум қиламан деган сўзлар билан боғлиқдир. Бу билан ташкил этиш, айтилиш вақтда ўзида функционировал ва назарий жиҳатлардан муайян мақсадга эришиш ёки муайян вазифани ташкил қилиш тизимни яратиш ва такомиллаштириш соҳасида онгли фаолиятнинг жараёни ва натижасидир. Инсон фаолиятининг барча соҳаларида ташкил этишнинг роли ана шундан иборат бўлиб, бу ҳол ташкил этишга тадқиқот ва ишланмалар предмети сифатида эътиборни жалб этади.

Ташкил этиш назарияси ва амалиётини маммоалрни ишлаб чиқишнинг илмий йўналишлари орасида праксеология (юнонча амалиёт ёки ҳаракат ва ўрганиш, маъноларини англашувчи сўзлардан) самарали амалий фаолият тамойиллари ва усуллари ҳақидаги фан муҳим ўрин эгаллайди.

Ўз навбатида, самарали меҳнатнинг таъминлашнинг муҳим шартларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: «Барча ислохотларнинг иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асил мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат»

Асосий эътиборни одамларга қаратиш корхона манфаатларини қаситиш деб тушунилмайдиган, чунки фақат одмларгина корхона муваффақиятини таъминлай оладилар. Буни учун улар барча керакли нарсалар билан таъмин этилган бўлишлари лозим.

Шундай қилиб, умумий категория тушунчаси сифатидаги ташкил этишни меҳнат. Ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишга ажратишга анъанавий ёндашув эскириб қолган бўлиб, тушунчаларнинг реал мазмуни ва мҳияти ҳақидаги ҳозирги тасаввурларга тўғри келмайдиган. Бу тушунчалар меҳнат фаолиятига (шу жумладан ишлаб чиқариш ва бошқарув фаолиятига) маълум даражада тааллуқли бўлганлиги сабабли, бу ерда гап айнан меҳнат фаолиятини ташкил этиш ҳақида, Аниқроғи, инсон ижодкорлигининг

алоҳида тури бўлган ташкилотчилик фаолияти ҳақида, бу ижодкорлики натижаси, инсон фаолиятининг (шу жумладан, ташкилотчилик фаолиятларидаги) инновация, таъминот, ишлаб чиқариш, бошқариш, тижорат, хўжалик, иқтисодий, ижтимоий, ахброт тизимлари ва бошқа тизимлар ҳақида бориши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар орасида эркин рақобатга асосланган кураш кетади, чунки хоҳлаган иш ёки хизмат турлари биргина корхона томонидан эмас, балки бир канча корхоналар томонидан эркин амалга оширилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни бошқаришда юқоридан кўрсатиладиган тазйиқ, буйруқбозликлар замонидаги монополия йўқолади. Бозор иқтисодиёти даврида ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар орасида юзага келган рақобат-хўжаликни юритиш механизмларининг янада тараққий этиши, режалаштирилган мақсадларга ўз вақтида эришиш учун ҳаракатлантирувчи куч ҳам ҳисобланади.

Эндигина юзага келиб, оёққа туриб, бунинг устига бозор иқтисодиёти шароитида ривожланишга интилаётган ёш ва мустақил ҳар бир давлат учун хўжалик юритиш ва уни бошқариш механизмлари самарадорлигини янада оширишда, бизнинг фикримизча, дастлаб шундай тадбирларни ишлаб чиқиш ва режалаштириш мақсадга мувофиқки, уларни халқ хўжалигининг қайси тармоғига татбиқ этганда ҳам, иложи борица камроқ капитал (сармоя-маблағ) талаб қилсин. Ўз навбатида, ортиқча ва мақсадга мувофиқ фойдаланилмаган иш вақтларини бутунлай бартараф қилиш, ҳеч бўлмаганда уларнинг миқдорини камайтиришга ижрочиларни бажарилаётган мутлақо кераксиз ёки ортиқча ҳаракатлардан озод қилиш ёки бундай ҳаракатлардан воз кечиш эвазига эришиш мумкин. Бундай чора-тадбирлар, одатда, ҳеч қандай капитал маблағ, яъни сармояни талаб қилмайди, мобода талаб қилган тақдирда ҳам унинг миқдори юқори бўлмайди. Масалан, ижрочи бирон хизматни (масалан, сартарош бирон бир мижозининг сочини олишни) ёки бўлмаса, бирон ишни (масалан, сотувчи пойабзални тайёр идишга – қоғоз қутичага солиб беришни)

иложи борица иккала - ўнг ва чап қўллари билан бир текисда ҳаракат қилиб бажаришни ўрганиши, одатда, сармоя талаб этмайди.

Корхоналарда (мулкчиликнинг қайси шаклига мансуб бўлишларидан қатъи назар) ишлаб чиқариш самарадорлигини, тайёрланган маҳсулотнинг ва кўрсатилган хизматнинг сифатини ошириш кўп ҳолларда ижрочиларнинг ўз меҳнат натижаларидан рағбатланганлик даражасига боғлиқ. Бунга эса фақатгина ҳар томонлама ва илмий асосланган меҳнат нормаларини ва нормативларини ишлаб чиқиш, ўз вақтида, ўз ўрнида ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасидагина эришиш мумкин. Бундай меҳнат нормаларини ва нормативларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш билан, юқорида эслатганимиздек, фақатгина «Меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш» фани шуғилланади. Ундан ташқари меҳнат нормалари ва нормативлари фақат иш ҳақи миқдорини тўғри аниқлаш учунгина эмас, балки меҳнат жараёнларини лойиҳалаш, меҳнатни, ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) бошқаришни ташкил этишни, ишлаб чиқаришни режалаштириш ҳамда ҳар бир ижрочининг жамоа ишлаб чиқаришига қўшган ҳиссасини баҳолаш, ўлчаш учун ҳам дастлабки ва ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхонасида ходимнинг меҳнатини оқилона тарзда ташкил қилиш, ундан самарали фойдаланиш ва ҳар бир ижрочи бажарган ишнинг ёки хизматнинг натижаларига тўғри баҳо бериш учун берилган вазифани (ишни ёки хизматни) бажаришга қанча меҳнат (қанча вақт) сарф қилинишини билиш керак.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш, меҳнат сарфида сон ва сифат мутаносибликлари белгиланишини ва ижтимоий меҳнатни аниқлашни талаб этади. Бу масалалар маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳар томонлама асосланган меҳнат сарфи нормалари ёрдамидагина тўғри ва пухта ҳал қилиниши мумкин.

Ҳар томонлама асосланган меҳнат сарфи нормаларисиз меҳнатни ташкил қилиб булмайдигина эмас, шу билан бирга, режали хўжалик юритиш, корхонанинг бир текисда фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш, корхона

режасининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини тўғри аниқлаш ҳам мумкин бўлмайди. Меҳнат сарфи нормалари айрим корхона фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлганидек, бутун халқ хўжалиги жабҳаларининг иқтисодида ҳам катта аҳамиятга эга. Ишхоналарда қўлланиладиган нормаларнинг умумий тизимида – системасида (асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи, энергия, махсус иш кийимлари, мой, сут, озиқ-овқатлар ва ҳақозолар сарфи ҳаракатлари) меҳнат сарфи нормалари алоҳида ўрин тутди ва етакчи аҳамиятга эга. Меҳнат сарфи нормалари дастлабки ҳисоб-китоб маълумотлари бўлиб, ишхонанинг барча бўғинлари (звенolari) оммавий-ташкилий режалаштириш ва раҳбарлик ишлари, ишхона ва ҳар бир бўлим, цех бўйича техника, саноат, молия режаларининг асосий бўлимлари бўлган корхона ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) дастури, техника, технологияни ривожлантириш режаси, иш ҳақи режаси, маҳсулот таннархи режаси ва бошқа режалар амалдаги ва лойиҳадаги маҳсулот ишлаб чиқариш нормаси, жиҳозларнинг меҳнат унумдорлиги нормаси, хизмат кўрсатиш нормаси ва ҳоказо нормалар асосида ҳисоблаб чиқилади.

Ҳар бир корхонада хўжалик юритиш оператив режалаштирилишини тўғри ва оқилона ташкил қилиш учун меҳнат сарфи нормасини ва иш вақти сарфланишини ўрганиш ва кузатиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки унинг ёрдамида корхонанинг иш билан таъминланганлик даражаси аниқланади ва ишлаб чиқариш қувватлари (имкониятлари) ҳисоблаб чиқилади. Вақт сарфи нормаларига асосан ҳар бир ишхонанинг касб, мутахассислик ва малакалар бўйича ходим, хизматчи ва бошқарув соҳасидаги ходимларга бўлган эҳтиёжи аниқланади, шунингдек, ишлаб чиқариш даврларининг давом этиш муддати, меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан бериладиган топшириқлар, вазифалар ҳисоблаб чиқилади.

Илмий асосланган меҳнат сарфи нормасисиз, технологик жараённинг у ёки бу варианты, масалан, янги конструкциядаги жиҳоз самарадолигини, афзаллигини, шунингдек, корхонада ташкилий-техникавий чора-тадбирларни

амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан самара бериш-бермаслигини ҳамда қанчалик мақсадга мувофиқлигини баҳолаш мумкин бўлмайди.

Меҳнат сарфини нормалаш меҳнатга яраша тақсимлаш принципига биноан иш ҳақини ташкил қилишнинг негизи бўлиб хизмат қилади. Меҳнатни нормалаш билан унга ҳақ тўлаш ўртасидаги боғлиқлик шундан иборатки, ҳақ тўлаш асосланган меҳнат сарфи нормаларига асос қилиб олиниши керак. Амалиётда қабул қилинган иш ҳақининг шакли ва системасидан қатъи назар, ходимлар меҳнати нормаланган бўлиши, шу билан бирга, ишлаб чиқаришдаги ҳар бир ходимнинг бажарадиган меҳнатига ёки хизматига норма белгиланиши, ишбай ёки вақтбай иш ҳақи тўланишидан қатъи назар, унга аниқ ва ҳар томонлама асосланган топшириқ ёки аниқ вазифа берилиши лозим.

1.2. Иш жойини ташкил этиш ва режалаштириш ҳамда унинг хусусиятлари

Ишлаб чиқариш ҳудудининг битта иш бажарувчига ёки бир гуруҳ ишчиларга ажратиб берилган ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун керакли бўлган меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари билан етарли таъминланган майдони (участкаси) иш жойи, деб аталади.

Иш жойларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш меҳнатни ташкил этиш ва нормалашнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Меҳнат қандай шаклда бўлмасин, доим ходимнинг иш жойида қиладиган ҳаракатлар йиғиндисидан иборат бўлади. Демак, меҳнат самарадорлиги иш жойини ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш ҳолати ҳозирги замон талаблари даражасига тўла жавоб беришига ҳам боғлиқ.

Ҳар бир иш жойи иш вақтини, ақлий ва жисмоний кучни кам сарфлаб, юқори унумли ва самарали иш қилишга максимал даражада мослаштирилган бўлиши лозим.

Иш жойларини ташкил этиш чоралари деганимизда уларни асосий технологик ускуналар, технология жиҳозлари, транспорт воситалари, иш учун жиҳоз - мебель, алоқа ва сигнализация воситалари билан етарли таъминлашни тушунамиз.

Бундан ташқари, иш жойида меҳнатни ташкил этиш бу борадаги усул ва услубларни такомиллаштиришни, меҳнат учун қўлай шарт - шароит яратилишини ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг бошқа элементларини амалга оширишни кўзда тутди. Бу тадбирлар, энг аввало, асбоб - ускуналардан яхши фойдаланишга, унумли ишни таъмин этишга, ишлаб чиқариш даврини қисқартиришга ёрдам беради.

Иш жойлари шу ерда бажариладиган меҳнатнинг ўзига хос хусусиятига, ишлатиладиган асбоб-ускуналарга, биргалашиб ишловчи ходимлар сонига, иш жойларини ихтисослаштириш даражасига, кўчиш ва кўчмаслигига, қаерда жойлашганига қараб бир-биридан фарқ қилади.

Меҳнат характериға қараб, иш жойлари қўл кучи ишлатиладиган, механизациялаштирилган, машиналаштирилган ва автоматлаштирилган иш жойларига бўлинади. қўл кучи ишлатиладиган иш жойининг характерли хусусияти шундаки, унда ходим технологик жараёнларни энг содда(оддий) асбоблар ва ускуналар ишлатиш воситасида бажаради. Тикувчилик корхонасидаги бичув қайчиси бунга мисол бўлиши мумкин. Бичувчи ўз ишини қайчи ушлаб, фақат қўл кучи билан бажаради ёки бўлмаса жиҳознинг қисмларини ва узелларини қўл билан йиғиш ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Бундай иш жойларида бажариладиган ишлар, хизматлар нафақат ўзларининг сермеҳнатлиги билан ажралиб туради, бундай иш жойларида, одатда, меҳнат самардорлиги (унумдорлиги) ҳам унча юқори бўлмайди. Шунини ҳам эслатиш жоизки, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасидан қўл кучи ишлатиладиган иш жойларини мутлақо йўқотиб бўлмайди. Ҳатто тўла автоматлаштирилган жараёнларда ҳам автоматик тизимни ростлаш

(наладка) ва тартибга солиш (регулировка) каби ишлар кўп ҳолларда қўлда бажарилади.

Бу ҳолдаги иш жойларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, ходим иш жойида ишлатилаётган хом ашёларнинг ўзгаришига ўз кучини сарфламайди, уларга таъсир ўтказмайди, фақатгина ёрдамчи ишлар, механизациялашган иш жойларида технологик жараёнлар машина ёки механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Ходимлар бу жараёнларда бевосита қатнашадилар, лекин уларнинг фаолиятлари асосан меҳнат воситаларини бошқаришга (хом ашёларни жиҳозга ўрнатиш, жиҳозларни юргизиш ва тўхтатиш, машина (жиҳоз) механизмларининг ишлашини назорат қилиш, тайёрланган маҳсулот ёки бажарилган хизматнинг сифатини текшириш, ишлов берилган қисмларни, тайёр маҳсулотларни жиҳозлардан тегишли жойга олиб қўйиш каби ишларга) қаратилган бўлади.

Технологик жараён олдида куйган мақсадга машина воситасида эришилса, ишчининг вазифаси машинани қўл билан бошқариб боришдангина иборат бўлса, бундай ўринга, машиналаштирилган иш жойи, дейилади. Мисол тариқасида Тошкент тўқимачилик машиносозлиги корхонасидаги токарлик-карусель станогини кўрсатиш мумкин. Бунда барча ишлаб чиқариш операцияларини механизм бажаради, ишчи эса тугма (кнопка)ли механизм орқали жиҳознинг айрим қисмларини идора қилади, холос.

Автоматлаштирилган иш жойида деталларга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган барча ишлар, уларнинг ишлов берилган қисмини кўчириш, иш сифатини назорат қилиш, шунингдек, машинанинг ўзини идора қилиш ҳам автоматлаштирилган бўлади. Ишчи эса автоматик жиҳозларни юритиш, тўхтатиш, механизмларининг тўғри ишлашини, ўз вақтида иш билан таъминлаб турилиши ва тайёр маҳсулотларнинг туширилишини ҳамда назорат-ўлчов аппаратлари кўрсаткичларини назорат қилиб (кузатиб) туради, холос.

Ихтисослаштирилганлик даражасига қараб, иш жойлари якка, серияли ва оммавий турларга бўлинади. Ишлаб чиқариш турига қараб, ҳар бир иш

жойига маълум ҳажмдаги ишлаб чиқариш операциялари бириктирилади. Шу муносабат билан иш жойлари ихтисослаштирилган, универсал ва махсус иш жойларига ажратилади.

Иш жойлари шу жойдаги меҳнат характериға караб чилангар, пайвандчи, йиғувчи, оператор, муҳандис, техник, тўқувчи, бўёқчи каби иш жойларига бўлинади.

Умуман олганда, ҳар қандай иш жойи ҳам қуйидаги асосий талабларға жавоб бериши жоиз:

1. Иш жойини ташкил этишда амалдаги санитария нормаларига, ускуналардан фойдаланиш, техника хавфсизлиги, саноат эстетикаси ва ҳ.к.лар тўғрисидаги кўрсатма ва қоидаларға тўла риоя қилиниши зарур.

2. Иш жойи майдонининг ҳажми олдиндан пухта ҳисоблаб белгиланиши, ишни ижро қилувчи киши амалларни сиқилмасдан, эркин ҳаракат қилиб беҳавф бажарадиган, бу жараёнда ва умуман, асбоб-ускуналардан, жиҳозлардан, хом ашёлардан фойдаланишда майдон доирасида бир жойдан иккинчи жойға бемалол жила оладиган бўлиши шарт.

3. Сигнал ва алоқа тартиби (системаси) ижрочи билан уста (рахбар)нинг ҳамда ижрочи билан цех ичидаги ходимларнинг бир-бирлари билан доим хабарлашиб туришларини таъмин этадиган бўлиши зарур.

4. Асосий ва ёрдамчи асбоб - ускуналар ва мосламалар ижрочини ортиқча ҳаракат қилдирмайдиган, улардан фойдаланишда ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмайдиган, иш ёки хизмат кўрсатиш учун қулай келадиган қилиб жойлаштирилиши керак.

Иш жойини ташкил этиш деганда, ҳар бир иш жойида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун зарур бўлган ҳамма шароитларни таъминлаш билан бир қаторда, жиҳознинг техникавий имкониятларидан тўла фойдаланишни, меҳнатнинг мазмунини бойитишни, ходимнинг сиҳат-саломатлигини эҳтиёт қилишни таъминлашға қаратилган комплекс тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш тушунилади.

Иш жойининг яхши ташкил этилмаслиги натижасида ишлаб чиқаришда кўп нобудгарчиликлар юз беради. Бу нобудгарчиликларнинг сабаблари юзаки карашда аҳамиятсиз бўлиб кўринса - да, аслида жуда хунук натижаларга олиб келади. Масалан, хом ашёларнинг ноқулай жойлаштирилиши натижасида ишчи ортиқча, кераксиз ҳаракатлар қилишга мажбур бўлади ва бунга кўп вақт йўкотади, қурол - асбоблар, ускуналар сақланадиган идишда тартиб бўлмаса, улар аралаш - қуралаш бўлса, ишчининг зарур асбобни кидириб топишга анча вақти кетади, у асабийлашади ва ҳ.к.лар.

Иш жойини ташкил этишда қуйидаги асосий талабларга эътибор бериш лозим:

1. Иш жойида зарур ускуналар, қурол-асбоблар, хом ашёлар, зарур бўлганда жиҳоз ҳам ишчи ўз вазифасини бажариши учун етарли миқдорда тахт туриши керак. Бу ашёлардан биттасининг ҳам етарли миқдорда бўлмаслиги вақт бекор сарфланишига сабаб бўлади. Шунингдек, уларнинг керагидан ортиқча бўлиши ҳам зарарлидир. Негаки ортиқча нарсалар ходимларнинг ўтиш йўлларини тўсади, ортиқча айланма (оборот) маблағ талаб қилади, баъзи нарсалар ишлатилмасдан, узоқ вақт туриб қолиб, бузилиши, айниши ҳам мумкин.

2. Иш жойларига хизмат кўрсатиш учун махсус ёрдамчи ходимлар ажратилиши ва улар иш жойларини зарур ашёлар - материаллар ва ҳ.к. лар билан узлуксиз таъминлаб туришлари шарт.

3. Иш жойи ижрочининг меҳнатини енгиллаштирадиган, иш унумини оширадиган ва тартибга солиб турадиган махсус мосламалар билан таъмин этилиши лозим.

Илмий асосланган меҳнат нормалари ва нормативлари хорижий ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда маълум бир конкрет шароит учун мўлжалланган бўлади. Шунинг учун ҳам ходимларнинг иш вақтидан фойдаланишини ўрганиш, кузатиш билан бир қаторда иш жойини ташкил этиш, режалаш, лойиҳалаштириш, хизмат кўрсатиш, жиҳозлаш ва ускуналаш, ихтисослаштириш, меҳнат хавфсизлиги ва

санитария-гигиена шароити, ишлаш ва дам олиш тартиблари ҳам батафсил ўрганилади. Иш жойининг ҳолатини ўрганиш эса меҳнатни ташкил қилиш элементларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга имконият яратади, дам олиш учун зарур бўлган иш вақти сарфи миқдорини нормалаш учун маълумотлар беради, иш жойларини лойиҳалашга қўйиладиган талабларни аниқлайди.

Иш жойларининг ташкил этилиш ҳолатини визуал кузатув услуги билан бир қаторда, олдиндан тайёрланган саволномалар орқали махсус сўровлар ўтказиш натижасида ҳам ўрганиш, бунда қуйидаги тахминий саволлардан фойдаланиш мумкин:

Иш жойини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ходимларга вазифаларини бажаришни енгиллаштириши, вақти унумсиз сарфланишини бартараф қилиши, самарали фаолият кўрсатиши учун маданий ва соғлом шароит яратиши жоиз.

Иш жойларини оқилона ташкил этиш уларни дастлаб ихтисослаштиришни тақоза этади. Иш жойининг ихтисослаштирилиши деганимизда, унга бир хил меҳнат функциялари, ишлар ёки қисмларни бирктиб қўйиш тушунилади.

Тажрибадан кўринишича, иш жойларини ихтисослаштириш даражаси, аввало ишлаб чиқариш турига боғлиқ. Иш жойларининг ихтисослашганлик даражасини 2- жадвалдаги маълумотлар орқали аниқлаш мумкин.

1.2.1- жадвал

Иш жойларининг ихтисослашганлик даражаси

Иш жойларига биркитилган қисмлар (деталлар) номларининг миқдори	Ишлаб чиқариш турларига (типларга) кирадиган иш жойлари
1	Оммавий
2 тадан 10 тагача	Йирик серияли
10 тадан 20 тагача	Серияли
20 тадан ортиқ	Майда серияли
Биркитилмаган	Якка

Жадвалдан кўриниб турибдики, оммавий ишлаб чиқаришда иш жойини ихтисослаштиришнинг энг юқори даражасига эришилади. Оммавий ишлаб чиқариш корхоналарида чегараланган хилдаги буюмлар кўплаб ишлаб чиқарилади.

Оммавий турдаги ишлаб чиқаришнинг ёки хизмат кўрсатишнинг энг муҳим хусусиятлари:

а) жуда чекланган хилдаги буюмларни кўп миқдорда доим ишлаб чиқаришдан;

б) иш жойларининг бутун кўпчилигида махсус асбоб-ускуналар ишлатилишидан;

в) одатда, ҳар бир иш жойини унга доимий биркитилган бир операцияни бажаришга ихтисолаштириш ва ишлаб чиқариш участкаларининг қатъий равишда технологик жараён содир бўлишига мослаб иш жойлари занжири каби тузилишидан иборат.

Серияли турдаги ишлаб чиқаришнинг энг муҳим хусусиятлари:

а) тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган хийла кенг хилдаги маҳсулотнинг озми-кўпми катта серияларда ишлаб чиқарилиши вақти-вақти билан такрорланиб туришидан;

б) универсал машиналар билан биргаликда махсус асбоб-ускуналар қўлланишидан;

в) иш жойларини уларнинг ҳар бирига туркум-туркум қилиб тайёрланадиган қисмларни (деталларни) ишлатишдаги бир қанча жараённи доимий равишда биркитиб қўйиш йўли билан предметли ихтисослаштиришдан иборат.

Иш жойларининг барқарор ихтисослаштирилиши юқори унумли, ихтисослаштирилган асбоб-ускуналарни ва қуролларни ишлаб чиқаришнинг самарадор узлуксиз услубини жорий қилиш, ишчиларнинг иш кучи ва ҳ.к.лардан яхшироқ фойдаланиши учун энг қулай шароит яратади. Бу тадбирлар меҳнат самарадорлигини оширишга, тайёрланган маҳсулотнинг

ёки кўрсатилган хизматнинг сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтиришга жиддий таъсир кўрсатади.

Ихтисослаштирилган, илмий асосда режалаштирилган иш жойларининг аҳамияти жуда катта. Агар иш жойлари бир-биридан узоқда, тартибсиз жойлашган бўлса ёки амалга оширилаётган технологик жараённинг бажарилиш босқичлари бўйича жойлашган бўлмаса, унда ходимларнинг иш жойларида ҳаракат қилишлари ва юришлари билан боғлиқ бўлган вақт сарфлари ошади, меҳнат предметлари ва тайёр маҳсулотларни бошқа иш жойларига ўтказиш билан боғлиқ бўлган вақт миқдори кўпайиб, провард натижада ишлаб чиқаришнинг сермеҳнатлилиги ошади, меҳнат унумдорлиги пасаяди. Иш жойини ички режалаштириш тартиблари бузилганда ҳам шунга ўхшаш натижалар вужудга келади. Ходимнинг жиҳозни бошқариш органларидан, меҳнат предметларидан, асбоб-ускуналардан узоқлашиши ортқча ҳаракатларни келтириб чиқаради, иш куни давомида кўп ноқулайликлар туғдиради, оператив вақт миқдорини қисқартиради, унинг чарчоғини оширади, толиқишини тезлаштиради.

Иш жойини режалаштириш – участка, бўлим (цех)ни режалаштиришнинг таркибий элементиدير. Шунинг учун ҳам иш жойини лойиҳалаш ва таҳлил қилиш участка, бўлим (цех)нинг режалаштириш талабаларини эътиборга олган ҳолда олиб борилади.

Иш жойларини хусусий режалаштиришга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- ишлаш ёки хизмат кўрсатиш учун қулай шароит, меҳнат хавфсизлиги ва санитария нормаларини таъминлашдан;
- ижрочининг юқори меҳнат унумдорлигини, шу ишлаб чиқариш майдонида зарур технологик ва ташкилий қурол-асбоблар, хом ашё, материаллар ёки яримфабрикатлар билан узлуксиз меҳнат жараёнини ташкил этиш учун етарли даражада таъминлашдан;
- иш майдонида иш жойи элементларини жойлаштиришда иқтисодий ва руҳий-физиологик талабларнинг ҳаммасини ҳисобга олишдан;

- ижрочининг иш майдони доирасидаги юриш йўлининг энг қисқа бўлишини таъминлашдан;
- технология воситалари ва ташкилий қурол-асбоблар ҳамда тез-тез ишга солиниб турадиган меҳнат воситалари қўл етадиган ерда жойлаштирилишидан;
- бошқариш ва назорат предметлари, шунингдек, ускуналарни дарҳол тухтатадиган предметлар куринадиган ва оптимал зона доирасида жойлаштирилишидан;
- ишни ёки хизматни бажариш жараёнида хорижий меҳнат усул ва услублари қўлланиши учун зарур шароитлар вақтида ва етарли даражада яратилиши ва ҳ.к.лардан (бунда гап асосан меҳнатни ташкил этиш йуналшлари, комплекси ва алоқалари тўғрисида боради).

Корхона давлат ёки нодавлат ишлаб чиқариш ёхуд хизмат кўрсатиш шаклидалигидан қатъи назар, унда ходимларнинг иш жойини хусусий режалаштиришда иш қилинадиган юзалар баландлиги нормалари (ёнида ўтириб иш қилинадиган столнинг баландлиги паст буйли киши учун 700 мм.дир. Эркаклар учун паст бўй 1520-1630 мм, ўрта буй 1631-1690 мм, баланд буй 1691-1900 мм ҳисобида) белгиланади ҳамда кишининг эркин табиий вазиятни таъмин этадиган бўшлиқ (макон) нормаси ҳисобга олинади. Табиийки, бунда ишлаб турган пайтдаги ҳолат асосий ўрин тутди.

Иш жойининг ички режалаштиришда қуйидаги талаблар ҳисобга олиниши лозим:

- технологик ва ташкилий қурол-асбоб ва жиҳоз элементларидан ҳар бирининг муҳим ва доимий бир жойи бўлади;
- чап қўл билан олиннадиган асбоб-ускуналар чап томонда, ўнг қўл билан олиннадиганлари ўнг томонда жойлаштирилади;
- кетма-кет ишлатиладиган предметлар тартиб билан қатор тизиб қўйилади, ишлатиб бўлингач, қайтиб жойига қўйилганида, ёнидаги иккинчиси олиниб, ишлатилади;

- хонадаги чироғларнинг нури меҳнат предмети ёки унинг ишланадиган қисмини ёритиб туриши шарт;
- иш ёки хизмат кўрсатиш маҳалида ўтирадиган жой, қўл ва оёқ тиргаклари ходимнинг буйига қараб қўтарилади ёки пасайтирилади;
- ички режалантириш доим такомиллаштириб бориладиган хорижий меҳнат усуллари ва услубларини қўлланиш учун шароит туғдирмоғи лозим.

Ҳар бир иш жойи энг кам, аммо етарли майдонча, ўрнатилган жиҳозлар ва аппаратлар ҳамда меҳнат предметларининг габаритларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш иморатнинг маълум қисмини эгаллаган бўлиши керак. Масалан, мавжуд меъёрий ҳужжатларда битта ишловчи ходим учун ажратилган иш жойининг майдони $4,5 \text{ м}^2$ га, иморатининг баландлиги эса, $3,2 \text{ м}^2$ га тенг бўлиши кўрсатилган. Шунини таъкидлаш керакки, бу кўрсаткичларнинг кўпайиши ёки озайиши ўрнатилган жиҳозларнинг ҳажмларига боғлиқ. Масалан, майда жиҳозлар ўрнатилган машинасозлик корхоналари ва уларнинг цехлари учун бир ходимга ажратилган иш жойининг миқдори 10 м^2 гача, ўрта ҳажмдаги жиҳозлар учун бу кўрсаткич 20 м^2 гача ошади, йирик жиҳозлар учун - 40 м^2 , махсус йирик жиҳозлар учун эса, ҳатто 50 ва 100 м^2 гачани ташкил этади.

Халқимиз айтганидек, ускунаси соз кишининг, машаққати оз ишининг. Шундай экан, ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлиги иш жойини ускуналаш ва жиҳозланиш даражасига ҳам боғлиқ. Иш жойини жиҳозлаш деганда, иш жойини асосий ва ёрдамчи технологик ускуналар, технологик ва ташкилий қурол - асбоб ва жиҳозлар билан тўла, белгиланган ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида, самарали ва сифатли қилиб бажариш учун етарли миқдорда таъминлаш тушунилади.

Меҳнатни енгиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун иш жойларини ускуналаш ва жиҳозлаш:

- ишлаб чиқариш операцияларини технологик жараён ва меҳнатни ташкил этиш карталарига мувофиқ жиҳозлашнинг барча зарур элементлари билан таъмин этишга;

- жиҳозлаш элементларининг технологик операциялар характериға функционал жиҳатдан мос келишига;
- барча жиҳозлаш элементларидан фойдаланиш тавсифларининг сифатли ва ишончли бўлишига;
- иш ускуналарини осон ва тез ишлатишга;
- меҳнатнинг самарали услублари ва усулларини таъминлашга;
- иш усулларини мумкин қадар жиҳозлардан, машиналардан тўхтатмай фойдаланган ҳолда амалга оширишга;
- меҳнат жараёнларининг соғлом ва хавфсизлик шароитини таъминлашга;
- ижрочини жисмоний жиҳатдан оғир келадиган меҳнат операцияларидан имконияти борича халос қилишига;
- меҳнат жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш кабиларга риоя қилинишига қаратилган бўлиши лозим.

Иш жойларини жиҳозлаш бўйича олиб бориладиган ташкилий ишларда мазкур талабларга риоя қилиниши ишнинг ёки хизматнинг сифати, ижрочининг меҳнат самардорлиги юқори бўлишини таъминлайди.

Иш жойларини ускунлаш ва жиҳозлашнинг моҳиятини аниқлаб олиш учун, авалло, қуйидаги умумий тушунчаларни билиш керак:

1.Ташкилий жиҳозлар. Бунда иш жойида бажариладиган меҳнат операцияларининг узлуксиз давом этишини, самарадорлигини, сифатли ва қулайлигини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий жиҳозлар тушунилади.

2.Технологик асбоб-жиҳозлар. Бунда иш жойидаги шундай зарур технологик операцияларни самарали ва сифатли қилиб бажариш ана шу воситалар ёрдамида таъминланади.

Технологик асбоб-жиҳозларга мосламалар ва инструментлар (қирқиш, текшириш, ўлчаш асбоблари ва ёрдамчи қуроллар) киради. Мосламалар тузилиши жиҳатидан ишлаш учун қулай бўлиши, жисмоний кучнинг тежаланишини, меҳнат предметларини ўрнатиш, чиқариш, биркитиш ва

бўшатиш осон бўлишини, шовқин ва вибрация бўлмаслигини таъминлаши лозим.

Иш жойларида ходимнинг фаолият кўрсатиш жараёнида зўриқишни камайтирадиган мосламалар бўлиши керак. Баландликдаги хом ашёларга ёки машина қисмларига қўл етиши, ортиқча ёки қийин ҳаракатлар қилишни бартараф этиш учун ишловчи оёғи тагига қўйиладиган панжара тагликлар, хом ашёлар қўядиган токчалар ёки жавонлар; ўтириш баландлигини тўғрилаш учун буралиб кўтариладиган стуллар, иш зонаси, кўчма стуллар ёки роликли ўриндиқлар, тирсак қўядиган суянчиқлар ва шу каби мосламалар бўлиши зарур.

Шундай қилиб, иш жойларини энг мукамал меҳнат воситалари билан куроллантириш меҳнат унумдорлигини муттасил ўстириб, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириб, маҳсулот ва хизмат сифатини яхшилаб, таннархини пасайтира боришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Иш жойларига хизмат кўрсатиш тизими иш жойларини ташкил этишнинг муҳим элементиدير, чунки цех, участка ва айрим иш жойининг мўътадил ишлаши учун уларга тўғри ва самарали хизмат кўрсатишни, яъни уларни асбоб-ускуналар, инструментлар, материаллар, хом ашё, яримфабрикат, электр энергия ва ҳ.к.лар билан узлуксиз таъминлаб туришни ташкил этиш зарур. Бунда корхонанинг структурасига қараб хизмат кўрсатиш цех ёки умумзаавод кўламидаги ёрдамчи тармоқ орқали олиб борилади. Агар ишчи хомаки материал, асбоб-ускуналар билан ўз вақтида таъмин этилмаса, ускуналар вақтида таъмирланмаса, транспорт бетартиб ишласа, юқори меҳнат унумига эришиб бўлмайди. Масалан, Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатларини текшириш натижалари шуни кўрсатадики, бекор сарф қилинган иш вақтининг деярли ярми иш жойи қониқарсиз ташкил этилганлиги билан боғлиқдир. Холбуки, иш жойи тўғри ташкил этилганида барча функциялар бўйича иш вақтининг исроф бўлишига

йўл қўймаслик, ҳар бир иш жойида мўътадил меҳнат маромини таъмин этиш мумкин бўлар эди.

Хизмат кўрсатишда қайси бир шаклнинг самарадорлигини айрим хизмат функцияларини бажарувчи ишчиларнинг иш билан қай даражада бандлигига қараб аниқлаш мумкин. Масалан, транспорт ходимларидан бир жойда тўла фойдаланилмасдан, бошқасида улар етишмайдиган бўлса, уларни участкалар ўртасида қайтадан тақсимлаш ёки транспорт хизматини цех ёхуд корхона кўламида марказлаштириш лозим бўлади.

Оммавий ишлаб чиқаришда, айниқса, узлуксиз ишлаб чиқариш усули ташкил этилган жойда, одатда, иш жойига график-жадвал бўйича хизмат кўрсатишнинг мажбурий тартиби ўрнатилади; бу графикка мувофиқ инструментларни алмаштириш, ускуналарни таъмирлаш, буюмни кейинги операцияга топширишга ва ҳ.к. ишлар регламентда белгиланган муддатларда мажбурий равишда бажарилади.

Серияли ишлаб чиқаришда иш жойига хизмат кўрсатишнинг режали-эҳтиёткорлик тартиби мавжуд. Бунда буюмларнинг янги туркумини ишлаб чиқара бошлаш календарь режасига мувофиқ иш жойларини материаллар, асбоб-ускуналар, мосламалар ва ҳ.к.лар билан ўз вақтида таъминлаш муддатлари олдиндан белгилаб қўйилади.

Шундай қилиб, иш жойи ишлаб чиқариш жараёнининг асосий бўғини бўлиб, унинг тўғри ташкил этилиши ҳар бир ишхонада меҳнатни ташкил этишнинг бош элементидир. Яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, иш жойида меҳнатни ташкил этиш тадбирларини ишлаб чиқишда у меҳнатни ташкил этиш элементи сифатида эмас, балки унинг объекти сифатида майдонга чиқади. Фақат асосий ходимнинг эмас, ёрдамчи ходим ҳамда муҳандис-техник ходим ва хизматчининг ҳам иш жойи оқилона ташкил этилиши лозим.

1.3. Меҳнатни ташкил этиш хорижий тажрибалари ва ривожлантириш стратегияси

Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан бири хорижий тажрибаларни ўрганиш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва бошқа ходимларга уларни ўқитиб - ўргатишдир. Шу муносабат билан етакчи жамоа корхоналаридаги намуна бўладиган янги ва хорижий тажриба бошқа барча ташкилот ва муассасаларга тарқатилиши лозим. Аммо бунда кўр-кўрона иш қилиш ярамайди. Дастлаб тўпланган хорижий тажрибаларини пухта ўрганиш, улардан энг муҳимларини ва шу тармоққа энг муносиб бўлганларини танлаб олиб, ёйиш лозим. Маълумки, техника тараққиёти даражаси қанчалик юқори бўлса, ундан самарали фойдаланишда ишчилар қиладиган меҳнат шу қадар муҳим роль ўйнайди. Холбуки, зарур меҳнат усуллари ва услубларини эгалламаган ишчининг қўлидаги мураккаб ва юқори унумли автоматик линиялар кўп вақт бекор туриб қолади.

Иқтисодчи олимларнинг ҳисобларига кўра, ишлаб чиқариш корхоналаридаги барча ходимларнинг хорижий меҳнат тажрибасини ўзлаштириши меҳнат унумдорлигини 20-25% гача кўтаришга имкон беради. Ўзбекистон Республикасининг тўқимачилик саноати соҳасидаги корхоналарида энг хорижий меҳнат усули ва услубларини аниқлаб, ҳар томонлама ўрганиб, амалиётга жорий этиш натижасида ходимларнинг меҳнат унумдорлиги 10-12% оширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон халқи макро ва микро иқтисодиётга тегишли, айниқса, ишлаб чиқариш корхоналарида хўжаликни юритиш, ундаги ходимларнинг меҳнатини ташкил этиш ва бошқариш соҳаларида сезиларли тажриба тўпламоқдалар. Ҳар бир мамлакатда хорижий ишлаб чиқариш тажрибаси умумхалқ бойликларида бири бўлиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг битмас-туганмас манбаи ҳисобланади. Бозор муносабатларига тўла ўтган ва иқтисодий ҳамда моддий

рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган (давлат ёки нодавлат корхоналигидан катъи назар) хўжаликларда шахсий, жамоа, ва ижтимоий манфаатлар бир-бирига зид келмайди, балки уларнинг гармоник қўшилишлари учун имконият яратилади. Бу эса ходимларни ўз тажрибаларини бир-бирлари билан ўртоқлашишга, энг яхшиларидан республика кўламида фойдаланишга чорлайди.

Хорижий тажрибалар иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида ҳар бир жамоанинг мулки бўлиши билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг умумий тараққиётини олға сурувчи ғоят муҳим кучдир, киши ва жамият иқтисодий ва маънавий ўсишининг битмас-туганмас захирасидир. Хорижий тажрибаси асосида аниқ вазифаларни ҳал этиш жараёнида бориб-бориб бир-бирига ўхшаш асосий ишларни бажарувчи бошқа ходимлар ва жамоаларнинг билим ва малакалари бараварлашади. Кўпчилик меҳнаткашларнинг билим даражаси ошиб, амалий иш қила билиш ва меҳнатга янгича муносабатда бўлиш жиҳатидан хорижийларга тенглашар экан, янги хорижий тажриба вужудга келиши учун объектив равишда имкон туғилади, янги хорижий тажриба амалий аҳамит касб этган бир пайтда, бошқалар ўз иш натижаларини яна ўшанга тенглаштиришга интилади. Бунда хос занжирли реакция пайдо бўлади, хорижий тажриба кетидан юксакроқ, янада самарадорлироқ тажриба вужудга келаверади. Ўз меҳнат натижаларини хорижий ходимлар ва жамоалар эришган натижаларга бараварлаштиришга, кейинчалик ундан ҳам ўтиб кетишга интилиш, шу жойнинг ўзида ёки бошқа жойда янги хорижий тажрибанинг вужудга келишига тўртки бўлади. Хорижий иш услубларининг, иш тажрибаларининг аҳамияти тўғрисида соҳибқиронимиз Амир Темурнинг ғояларини эслатиб ўтиш ўта ўринлидир: «Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қаътий тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради».

Маълумки, корхонадаги мавжуд бўлган хорижий ишлаб чиқариш тажрибалари меҳнат усул ва услубларининг ўзгаришида, меҳнатни режалаштириш, уни ташкил этишни яхшилашда, мавжуд жиҳозлар, машиналар, механизация воситалари ва технологик жараёнларни, ишлаб чиқаришни бошқариш услубларини такомиллаштиришда, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашда ўзининг аниқ ифодасини топади. Бундан ташқари, хорижий тажриба айрим янгилик яратувчиларнинг, ихтирочиларнинг ишини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифида ҳам ифодаланиши мумкин. Бунга мисол тариқасида маҳсулот сифатини яхшилаш, хом ашёларни тежаш юзасидан макроиқтисодиётнинг турли тармоқларидаги кўпгина хорижий корхоналар умумийлаштирган тажрибани келтирса бўлади.

Кўпгина ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг тажрибаси шуни кўрсатадики, хорижий тажрибани ўрганиш, умумлаштириш, жорий қилиш ва ёйиш уч даврга бўлиб амалга оширилгани маъқул. Бу даврлар: 1) хорижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш; 2) хорижий тажрибани умумлаштириш, уни жорий қилишнинг ташкилий-техник тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда зарур тайёргарлик ва ташкилий ишларни олиб бориш; 3) хорижий тажрибани амалиётга жорий қилишдан иборат.

Хорижий тажрибани комплекс ўрганишдан иборат бўлган биринчи даврда, аввало, ўрганиш объекти танланади, сўнгра кетма-кет меҳнатнинг хорижий усул ва услублари таҳлил қилинади, самарали меҳнат жараёни, янги иш жойларини ташкил этиш лойиҳалаштирилади.

Хорижий тажрибани муваффақиятли ўрганиш учун, аввало, ўрганилаётган корхонадаги энг муҳим ва ҳал қилувчи участка ва ишчи касби аниқланади. Бу жойларда меҳнат усулларининг яхшиланиши натижасида гуруҳ, участка ва бутун корхонада меҳнат унумдорлигининг хийла оширилиши кўзда тутилади. Сўнгра биринчи навбатда ўрганилиши лозим бўлган операция ва усуллар белгиланади. Бунда умумий меҳнат ҳажмида энг катта салмоққа эга бўлган операция ва усуллар, ишчилар нотўғри

бажарганликлари туфайли иш нормаларини бажара олмайдиган операциялар, маҳсулот сифатига, хом ашё ва материаллар сарфига энг кўп таъсир қиладиган операциялар олинади.

Хорижий тажриба умумлаштириладиган иккинчи даврда хорижий тажрибани жорий қилишни таъмин этадиган ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқилади. Бунда шу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ҳосил қилиниши кўзда тутилган иқтисодий самара, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизмат сифатининг яхшиланиши ва таннархининг пасайтирилиши ҳисоблаб чиқилади.

Одатда, хорижий тажрибани умумлаштириш иши билан цех ёки умуман, корхонанинг техника-технология соҳасидаги мутахассислар кенгаши шуғулланади. Бу кенгаш бир хил операциянинг бир неча таърифини муҳокама қилиб, ҳар бир таърифдаги яхши томонларни ҳисобга олиш билан бирга, бошқа турдош корхоналар тажрибасини ҳам назарга олиб, уларга тегишли техник ва технологик тузатишлар, қўшимчалар киритиши, яъни тақдим қилинган маълумотларни ижодий ишлаб чиқиши лозим. Шундан кейингина битта эмас, бир неча ходимнинг тажрибаси баён қилинган таърифнинг муҳандислик фикрлари қўшилган узил-кесил нусхаси тузилади.

Учинчи даврда тадбирни жорий қилиш ишлари бажарилади. Корхона раҳбарияти бунинг бажарилишини назорат қиладди. Бу даврда шу тадбирларни амалга ошириш натижасида ҳақиқатда эришилган иқтисодий самарадолик ҳисоблаб чиқилади.

Хорижийлар тажрибасини жорий қилиш ғоят маъсулиятли жараён бўлиб, бу жараённи иқтисодчилардан ташқари цех, корхонанинг барча техник ходимлари ва услубчилар кузатиб боришлари лозим.

Дастлаб тегишли иш услублари ёки операцияларни нотўғри бажарадиган ёхуд иш вақтини бекор сарф қиладиган ишчиларга хорижий усулларни ўргатиш керак.

Оммавий касб ишчиларининггина эмас, балки усталар, уларнинг ёрдамчилари, техниклар ва муҳандисларнинг ҳам хорижий тажрибаларини

ўрганиш ва умумлаштириш лозим. Айрим муҳандислар ва бошлиқларнинг ишларини таҳлил қилиш шуни кўрстадики, уларнинг фаолиятида ҳам умумлаштиришга ва жорий қилиш учун тавсия этишга арзийдиган иш усул ва услублари оз эмас. Корхонани, унинг бўлимларини бошқариш услублари, бўлим, цех бошлиғи олиб борадиган иш ёки хизмат ҳажмини белгилаш, энг мувофиқ кун тартиби, цех бошлиғи цехни айланиб чиқиш давомида бажарадиган ишларнинг мазмунини аниқлаш, технологик тартиб учун самарали услублар ишлаб чиқиш, хом ашёлар сифати ва шу каби бошқа масалалар муҳандислар ва ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш раҳбарлари меҳнатининг яхшироқ ташкил этилишига ва бошқарилишига қўмаклашади.

Оммавий ахборот воситалари, ҳар хил бюро ва комиссиялар, машғулотлар, технология кечалари, кенгашлар, ишлаб чиқариш билан боғлиқ экскурсиялар, кўргазма ва бошқа хил кўргазмали агитация воситалари ҳам ходимларнинг билимларини оширишга ва хорижий тажрибани амалиётга жорий қилишга катта ёрдам беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида, бир қанча тажрибали саноат корхоналарида хорижий ишлаб чиқариш тажрибалари алмашилишини ташкил этишнинг бошқа самарли шакллари ҳам қўлланилади. Бу шакллар:

- корхонанинг янгилик яратувчилар (новаторлар) кенгаши; вазибаларидан бири — ишлаб чиқаришдаги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги хорижий тажрибаларни ташвиқ қилиш ва жорий этишдир;
- жамоатчилик йўли билан иш олиб борадиган хорижий меҳнат услублари лабораторияси; бу лаборатория ишининг энг самарли ва қулай усул ҳамда услубларини ўрганиш ва умумлаштириш билан шуғулланади.

Вужудга келиш манбаига караб якка тартибдаги (индивидуал) хорижий тажриба билан жамоавий хорижий тажриба бир-биридан фарқ қилади. Якка тартибдаги ва жамоавий хорижий тажрибани аниқлаш, унинг аҳамиятини баҳолаш, ўрганиш ва амалиётга кенг татбиқ этишга ҳар хил йўллар билан ёндашилиши ва бунда ҳар хил услублар қўллаш талаб қилинганлиги боис уларни шу тариқа икки турга бўлиб қараш лозим.

Якка тартибдаги хорижий тажриба эгаси махсус касбий тайёргарлиги ва муайян амалий малакаси бўлган ҳамда бевосита индивидуал иш жойида ишлайдиган (якка тартибдаги меҳнат усуллари ва услубларини яхшилаш, иш жойини оқилона режалаштириш, иш зонасини ташкил этиш, бир неча операцияни сифатли қилиб бажариш ва ҳ.к.лар юзасидан иш олиб борадиган) ходим бўлади.

Жамоавий хорижий тажриба меҳнатни жамоа (бригада) шаклини ташкил этиш шароитида вужудга келади. Жамоавий меҳнат шаклини ташкил этишга, аввало, жамоа аъзолари ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш, меҳнатни ташкил этиш талабларига қаттиқ риоя қилиш, сермеҳнат ишни камайтиришнинг янги заҳира имкониятларини муттасил қидириб топиш йўли билан эришилади. Шу билан бирга, бригадаларнинг энг яхши тажрибалари, техника адабиётлари янгиликлари билан доим танишиб борилади. Бунда жамоанинг ҳар бир аъзоси топшириқни бажаришнигина эмас, балки уни камроқ хом ашё ва меҳнат сарфлаган ҳолда, тез ва сифатли қилиб бажариш тўғрисида бош қотириши, бир-бирлари билан фикрлашишни ҳам қоида қилиб оладилар.

Тармоқ ичидаги хорижий тажриба эса шу соҳа корхоналарининг алмашадиган тажрибасидир. Бундай хорижий тажриба, одатда, маълум тармоқ доирасидаги барча корхоналар учун ёки унинг бирон-бир гуруҳи учун амалий аҳамиятга эга. Тармоқ ичидаги хорижий тажрибаларни аниқлаш ва уларни кенг ёйишда тўқимачилик ва трикотаж корхоналари яққол мисол бўла олади.

Тармоқ ичидаги хорижий тажрибани ёйиш ишига шу тармоқ вазирлиги раҳбарияти, унинг ахборот органлари ҳамда кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш билан шуғулланадиган раҳбарлари томонидан жиддий эътибор берилган тақдирдагина муваффақият қозонилади.

Хорижий тажриба амалга ошириш муддатига қараб жорий ва перспектив хорижий тажрибаларга ажратилади. Кун сайин бевосита иш жойида вужудга келиб, у билан танишган замон бошқа иш жойларига жорий

қилиш мумкин бўлган хорижий тажриба – жорий хорижий тажрибадир. Жорий хорижий тажриба ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқаришни ташкил этишни, одатда, ўзгартиришни талаб қилмайди. Уни жорий этиш хийла меҳнат, вақт ёки маблағ сарфи билан боғлиқ.

Ишлаб чиқаришда ёки хизмат кўрсатишда меҳнат жараёнлари самарадорлигини оширишнинг энг таъсирчан воситаларидан бири - мақсадга мувофиқ меҳнат усули ва услубларини танлаб олиш ва уларни жорий қилишдир.

Меҳнат услуги – меҳнат жараёнини амалга ошириш йўлидир. У асосан усуллар йиғиндиси ва уларни маълум изчилликда бажариш билан характерланади. Меҳнат усуллари ва уларни такомиллаштиришни ўрганиш учун, меҳнат жараёнларини меҳнатдаги тор ҳаракатлар (ҳаракатлар, кимирашлар), кенг ҳаракатлар ва меҳнат усулларига бўлиб кўриш лозим.

Меҳнатнинг хорижий усул ва услубларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишнинг умумий тартиби асосан учта босқичдан иборат: қўлланадиган усул ва услубларни таҳлил этиш, оқилона меҳнат жараёнларининг синтези ва шу операцияни бажарувчи ҳамма ходимларни уни (операцияни) ижро этишда қўлланилаётган хорижий усул ва услублар бўйича ўқитиш.

Хорижий меҳнат усуллари ва услубларини жорий қилиш 1-чизмада кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Яъни, дастлаб қўлланиладиган меҳнат усуллари ва услублари ўрганиб чиқилади, текшириш натижалари таҳлил қилиниб, энг қулай меҳнат усуллари танлаб олинади. Сўнгра бу усуллар лойиҳалаштирилиб, ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Қўлланилаётган меҳнат усуллари ва услублари операцияларининг мураккаблиги, қайта-қайта такрорланиши ва миқдорига қараб ҳар хил йўллар билан ўрганилади. Шу билан бирга, айрим ижодкорларнинг тажрибаси эмас, балки ишлаб чиқаришда бир хил операцияни бажарадиган кўп ижодкор ва хорижийларнинг иш тажрибалари ўрганилади. Бу ҳолда хорижийлар ва ижодкорларнинг ўзлари ўз меҳнатларининг унумдорлиги ва сифатини бошқа

ходимлар яхшироқ бажарадиган усул ва услубларни, ҳаракатларни ишлатиб, янада оширишлари мумкин.

Меҳнат усулларни такомиллаштириш юзасида ишлаб чиқариш ижодкорлари ва муҳандислар қуйидаги ишларни бажаришлари лозим:

- икки қўлни ҳам бир вақтнинг ўзида ишга солиб, вақт, макондаги тор ва кенг ҳаракатлар ўриндошлигини;

- яхшироқ ясалган мосламаларни ишлатиб, асбоблар конструкциясини ўзгартириб ва бошқа тадбирларни амалга ошириб, тор ва кенг ҳаракатларнинг пухта ўйланган изчиллигини таъминлашни, қўлнинг олдинга қараб қилинган ҳаракатдан, кейин қайтиш ҳаракатидан унумли фойдаланишни;

- меҳнат ва буюмларнинг юқори сифатини таъминлашлари.

Ҳозирги вақтдаги кўпгина меҳнат ташаббуслари энг аввало, хорижий меҳнат усул ва услубларини жорий қилиш билан боғлиқдир. Ўз замонининг донгдор тўқимачилари - Лидия Павловна Казанцева билан Евгения Александровна Губинанинг ажойиб ташаббуслари Тошкент тўқимачилик комбинатидан ташқари республикамизнинг узоқ ҳудудуларида ҳам шуҳрат қозонган. Хизмат кўрсатиш нормасига мувофиқ 24 та тўқув жиҳозида ишлаш ўрнига Казанцева 48 та жиҳозда, Губина эса 42 та жиҳозда ишлайдиган бўлдилар.

Бундай катта муваффақиятга бирданига эришилгани йўқ. Булар меҳнатнинг хорижий усул ва услубларини ўрганиш, шахсий маҳоратни такомиллаштириш юзасидан тинмай олиб борилган катта иш натижасидир. Масалан, Л.П.Казанцеванинг иш услубини ўрганиш унинг иши ғоят мураккаблигини, аммо шу мураккаб иш аниқ ҳисобларга асосланганлигини кўрсатади. Биринчидан, иш куни давомида 300 мартагача узиладиган ўриш ипининг ҳар бирини Л.П. Казанцева меъёрадаги 26 секунд ўрнига 16 секундда улайди. Шу тариқа ҳар бир операцияда 10 секунддан, смена давомида 50 минутгача вақт тежалди. Иккинчидан, у чакқонлик, иш усулларини рационал навбатлаштириш ҳисобига кўп вақт тежайди. Учинчидан, ва энг

муҳими, ўриш иплари узилишини қисқартириш юзасидан ташкилий-техникавий тадбирлар кўриш, қўлланилаётган усуқуналарнинг техник ҳолатини яхшилаш, айрим ўзелларни замонавийлаштириш, технологияни такомиллаштириш ва ҳоказо йўллар билан юқори меҳнат унумдорлиги таъмин этилган. Шунинг учун ҳам тўқимачилик корхоналарида меҳнатнинг усул ва услубларини ўрганиб, уларни жорий қилишга доимо катта эътибор бериб келинади ва келинмоқда.

Одатда, меҳнатнинг хорижий услубларини жорий қилгандаги сингари хорижий меҳнат усулларини жорий қилишда ҳам масаланинг комплекс ҳал этилиши кўпроқ самара беради. Меҳнатнинг аниқланган хорижий услубларини амалга татбиқ қилиш билан бирга хорижий меҳнатни ташкил этишни ҳам жорий қилиш, меҳнатнинг санитария-гигиена шароитини яхшилаш ва бошқа тадбирларни ҳам амалга ошириш зарур.

Меҳнатни хорижий усул ва услубларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ишларининг 3-босқичи, яъни уларни амалиётга жорий этишнинг ўзи ҳам тўрт босқичдан иборат: а) меҳнатнинг хорижий усул ва услубларини жорий қилишга тайёргарлик кўриш; б) меҳнатнинг хорижий усул ва услубларини назарий ўрганиш; в) меҳнатнинг хорижий усул ва услубларини иш жойларида амалий ўрганиш; г) меҳнатнинг хорижий усул ва услубларини жорий қилиш натижаларини амалга ошириш юзасидан ташкилий-техник тадбирлар кўриш.

Хорижий меҳнат усул ва услубларини жорий қилиш мақсадида энг хорижий корхоналарни танлаш маъқул эмас. Чунки, биз кўраётган ҳолатда бутун корхона жамоасининг тажрибаси эмас, балки касбий тажриба аниқланади. Маълум операцияларни бажариш бўйича хорижий касбий тажриба ўртача корхоналарда ҳам бўлиши мумкин.

Юқоридаги ҳолларда хорижий меҳнат усул ва услубларини жорий қилиб эришиладиган жиддий натижа меҳнатни ташкил этиш шакли – поток ҳамма участкаларда такомиллаштирилганида ҳосил қилинади.

II-БОБ. “UZ-DONG JU PAINT CO” ҚҚДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МЕҲНАТ ОМИЛИ ТАҲЛИЛИ

2.1. “Uz-Dong Ju Paint Co” қўшма корхонасида меҳнатни ташкил этиш, ходимлар билан таъминланганлик ва иш вақти фондидан фойдаланиш таҳлили

Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида қўшма корхоналарнинг иқтисодий ривожланишида маълум бир даражада ўзгаришлар юз бермоқда. Чунки қўшма корхоналарда меҳнатни ташкил этиш даражаси бошқа корхоналарга нисбатан яхши амалга оширилган. Жумладан,

“Uz-Dong Ju Paint Co” қўшма корхонасида ҳам меҳнатни ташкил этиш тўғри ташкил этилган, яъни меҳнат шарт шароити, барчаси ишчи ходимлар учун тайёр ҳолда келтирилгандир. Шунинг хисобига корхонада ишчи ходимлар қўнимсизлик даражаси паст. Чунки иш тартиби тўғри ташкил этилган. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, корхонада меҳнатни илмий ташкил этишнинг барча усул услубларидан фойдаланган ҳолда иш олиб борилади.

Қўшма корхонада ходимлар билан таъминланганлик ва меҳнат унумдорлик кўрсаткичлари асосида иш ҳақи ортиши ёки камайиши мумкин. Шунинг учун ҳам республикада бошқа соҳалар каби машинасозлик тизими учун ҳам кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, малакасини ошириб бориш, унумли ишлашлари учун шароит яратиш, меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий таъминоти, дам олишларини ташкил этиш, моддий фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор билан қаралмоқда, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, корхоналар ва ходимлараро мусобақани кенг йўлга қўйиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, ҳар бир ходимда меҳнаткашларга юқори сифатли хизмат кўрсатишга масъуллиқ ҳисини шакллантириш чоралари кўрилмоқда. Бу иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида ўзига хос аҳамият касб этаётган бу каби тадбирларни амалга ошириш жараёнини изчиллик билан таҳлил қилиб бориш имконини бермоқда.

Корхонанинг ишчи кучи билан таъминланишини таҳлил қилишда, аввало, асосий ходимлар, кассирлар, назоратчилар, ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва маъмурий ходимлар доимий таркиби (штати)нинг тўлиқлиги текширилади.

Корхона раҳбарлари цехлар ходимларининг доимий таркибини, шу жумладан, бошқарма ходимлари сонини мустақил тасдиқлайдилар. “Uz-Dong Ju Paint Co” қўшма корхонасининг ходимлар сони қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилади: асосий, ёрдамчи, мутахассислар, хизматчилар ва кичик хизмат кўрсатувчи ходимларга бўлинади. Шунингдек, корхона ходимлари сонини ўзгаришини таҳлилини кўриб чиқамиз.

2.1.1-жадвал

“Uz-Dong Ju Paint Co” ҚҚда ходимлар сонининг ўзгариши

Ходимлар категорияси	Ходимлар сони			Ишловчиларнинг мутлақ ортиқча ёки камлиги		
	Базис йил	режа	ҳақиқатда	гр.2- гр1	гр.3- гр.1	гр3 – гр2
Барча ходимлар, жумладан	320	350	359	30	39	9
СИП, бундан:						
Ишчилар улардан:	151	165	159	14	8	-6
Асосий	140	145	149	5	9	4
Ёрдамчи	11	10	10	-1	-1	0
Мутахассислар	72	94	95	22	23	1
Хизматчилар	91	93	97	2	6	4
Кичик хизмат кўрсатиш ходимлари	6	7	8	1	2	1

2.1.1- жадвалда қўшма корхонанинг ходимлар сонининг базис ва жорий йиллардаги ўзгаришини кузатишимиз мумкин. Базис, яъни 2010 йилда корхонада жами 320 нафар ходим фаолият олиб борган бўлса, уларнинг 151 нафари асосий ва ёрдамчи ишчилар, 72 нафари мутахассислар, 91 нафари хизматчилар ва 6 таси кичик хизмат кўрсатиш ходимлари таркибига кирган. Жорий йил, яъни 2011 йилда режа бўйича ходимлар сони 350 нафаргача

оширилиши керак эди, лекин амалда улар 359 кишини ташкил этган. Улардан 159 нафари асосий ва ёрдамчи ишчилар, 95 нафари мутахассислар, 97 нафари хизматчилар ва қолган 8 нафари кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар хиссасига тўқри келган. 2011 йилда ходимлар сони 2010 йилга нисбатан 39 нафарга ортган. Корхона жорий йилда асосан мутахассислар (23) ва асосий саноат ишчиларини (9) қабул қилган. Ёрдамчи ишчилардан бири ўз хохишига кўра ишдан озод қилинган. Яна 6 та хизматчи ва 2 та кичик хизмат кўрсатувчи ходим ишга қабул қилинган.

2.1.2-жадвал

Корхонада ходимлар таркибини таҳлили

Ходимлар категориялари	Ходимлар категориялари салмоғи,%			Фарқ ,%		
	Базис йил	режа	ҳақиқат	гр.2- гр 1	гр 3- гр 1	гр 3- гр2
1.Ишчилар жумладан						
-асосий	44	41	42	-0,6	-0,7	-0,1
-ёрдамчи	3	3	3	0	0	0
2.Мутахассислар	23	27	26	4,4	4,0	-0,4
3. Хизматчилар	28	27	27	-1,9	-1,4	0,4
4.Кичик хизмат кўрсатиш персонали	2	2	2	0,1	0,4	0,2
Жами ходимлар	100	100	100			

Жадвал маълумотларига кўра, “ЎзДонгЖу Паинт Со” қўшма корхонасининг базис ва жорий даврлардаги ходимлари таркиби фоизларда кўрсатиб ўтилган. Базис йилда асосий ва ёрдамчи саноат ишчилари жами ходимларнинг 47 %ини ташкил этган бўлса, 2011 йилда, яъни жорий йилда улар 45 % улушга эга бўлишган. Базис даврда мутахассислар жами

ходимларнинг 23 %ини ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич жорий йилда 26 % га етган. Демак, корхонада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш натижасида инсон қўл меҳнатининг камайишини ва корхона фаолиятини тартибга солувчи мутахассислар миқдорини ошганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Базис йилда хизматчилар 28 % улушга эга бўлган бўлсалар, жорий йилда уларнинг салмоқи 1 % га камайган. Кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар эса ўзгаришсиз 2 % улушда қолганлар.

2.1.3-жадвал

Корхона ишчи ходимлари ҳаракатининг динамикаси

Кўрсаткичлар	2009й.	2010й.	2011й.	2011й 2009 й га нисбатан (+;-)	Ўсиш суроати (%)
Ўртача рўйхатдаги ходимлар сони, киши	283	320	359	76	126,9
Йил бошидан бери ишга қабул қилинганлар сони, киши	111	38	41	-70	36,9
Йил бошидан ишдан бўшатиш сони, киши	3	1	2	-1	66,7
жумладан: -ўз хоҳишига кўра, киши	3	1	2	-1	66,7
- меҳнат интизомини бузганлиги учун, киши					
Ишдан бўшатилиш даражаси, %	1,1	0,3	0,6	-0,5	52,6
Ишга қабул қилиш даражаси, %	39,2	11,9	11,4	-27,8	29,1
Қўнимсизлик даражаси, %	1,1	0,3	0,6	-0,5	52,6

Корхонанинг 3 йиллик ходимлари ҳаракати динамикасини кузатишимиз мумкин. 2009 йилда ўртача рўйхатдаги ходимлар сони 283 кишини ташкил этган. Йил бошидан бери ишга қабул қилинганлар сони 111 кишини ташкил этган. Бу корхона фаолияти бошлангандан бери ходимларни қабул қилиш бўйича юқори кўрсаткичлардан бири саналади. Ўша ўз хоҳишига кўра ишдан озод қилинганлар сони 3 нафарни ташкил этган. Шундай қилиб, ишдан бўшатилиш даражаси 1.1 % ни, ишга қабул қилиш даражаси 39.2 %ни ва қўнимсизлик даражаси 1.1 %ни ташкил этган. 2010

йилда ўртача рўйхатдаги ходимлар сони 2009 йилдагидан 37 нафарга кўп, яъни 320 кишини ташкил этган. Йил бўйи ишга қабул қилинганлар сони 38 киши, ўз хохишига кўра ишдан озод қилинганлар сони 1 кишини ташкил этган. Мехнат интизоми бузилганлик ҳолати билан ишдан бўшатиш ҳолати 2010 йил да ҳам юз бермаган. Шу йили ишга қабул қилиш даражаси 11.9 % ни, ишдан бўшатилиш эса энг кам 0.3 %ни ва қўнимсизлик даражаси ҳам энг кам 0.3 %ни ташкил этган. 2011 йил жами ходимлар 359 кишига етган. Қабул қилинганлар сони 41 киши, бўшатирилганлар (ўз хохишига кўра) сони 2 нафарни ташкил этиб, мехнат интизомининг бузилиши оқибатида ишдан бўшатилиш кузатилмаган. Шу йили ишга қабул қилиш даражаси 11.9 %ни, ишдан бўшатилиш 0.6 %ни ва қўнимсизлик даражаси 0.6 %ни ташкил этди. 2011 йилни 2009 йилга солиштирганимизда ходимларнинг умумий сони 76 кишига, яъни 26 фоизга ортган ва қўнимсизлик даражаси эса деярли 50 %га қиқарганини кузатишимиз мумкин.

Корхонанинг хизматчи ходимлари билан таъминланиш даражасига баҳо берилгандан сўнг, иш вақти фондидан фойдаланиш даражаси таҳлил қилиниши зарур. Иш вақти фонди деб хизматчи ходимлари томонидан жами ишланган одам-соатларга ва одам-кунларга айтилади. Таҳлил жараёнида иш вақти фондидан фойдаланиш даражаси ва бу борадаги мутлақ фарқнинг ўзгариш сабаблари аниқланади. Иш вақти фондининг ўзгариши (жами одам-соатлар бўйича) қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. *Ишчилар сонининг ўзгариши.* Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун ишчилар сони бўйича мутлақ фарқ режадаги бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларига ва ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади.

2. *Битта ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши.* Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига ва режадаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади.

3. *Ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши.* Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига ва ўртача йиллик иш кунларига кўпайтирилади. Корхонада иш вақти фондидан қай даражада фойдаланилганлигини таҳлил қилиш ва юқорида қайд қилинган омилларнинг иш вақти фондига таъсирини аниқлаш учун 2.1.4-жадвалда келтирилган шаклдан фойдаланилади.

2.1.4-жадвал

Иш вақти фондидан фойдаланишнинг таҳлили

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи	2010 йилдаги нисбатан бажарилиши, %
Асосий ишчиларнинг ўртача сони, нафар	151	159	8	105,3
Асосий ишчилар томонидан ишланган жами одам-соатлар	463419	475728	12309	102,7
Асосий ишчилар томонидан ишланган жами одам - кунлар	49830	50880	1050	102,1
Битта асосий ишчига бир йилда тўғри келадиган ўртача иш кунлари	330	320	-10	97,0
Ўртача иш кунининг давомийлиги, соат	9,3	9,35	0,05	100,5

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, асосий ишчилар томонидан ишланган одам-соатлар 2010 йилга нисбатан 12309 одам соатга кўпайган. Иш вақти фондининг кўпайишига ёки камайишига таъсир кўрсатувчи омилларни 2.1.4-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб, кўйидагича аниқлаймиз:

1. *Асосий ишчилар сонининг ўзгариши.* Мисолимизда асосий ишчилар сони 2011 йилида 2010 йилга нисбатан саккиз нафарга кўпайган. Бу эса, иш вақти фондининг 24552 одам - соатга (+8x330x9,30) ошишига олиб келди.

2. *Битта ишчига бир йилда тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши.* Корхонада ҳар бир асосий ишчи 2010 йилдагига нисбатан 10 кун кам ишлаган. Бу, ўз навбатида, иш вақти фонди 14787 одам-соатга $(-10 \times 159 \times 9,30)$ камайишга олиб келди.

3. *Ўртача иш кунни давомийлигининг ўзгариши.* Таҳлил қилинаётган корхонада ўртача иш кунининг давомийлиги 0,05 одам-соатга кўпайган. Бу иш вақти фондини 2544 одам-соатга $(+ 0.05 \times 159 \times 320)$ кўпайишига олиб келди.

Текшириш: Иш вақти фонди бўйича фарқ:

$$+2544 - 14787 + 24552 = 12309 \text{ одам-соат.}$$

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, корхонада иш ҳақини ҳисоблаш жараёнидан уларнинг омиллий таҳлили асосида иш вақтидан самарали фойдаланиш ҳам ҳисобга олинади. Ушбу корхонада иш ҳақи фондини оширишда сарфланган вақтлардан самарали фойдаланиш ҳисобига куйидагиларга эришилган:

2.2. Корхонада маҳсулот айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари таҳлили

Корхонани модернизация қилиш шароитида техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини маҳсулот айланиш ҳажмининг ўзгаришига қатор омиллар, чунончи, сотувчилар сонининг ўзгариши, ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши, ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши ва ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши таъсир кўрсатади. Улар қуйидагича аниқланади:

1. *Сотувчилар сонининг ўзгариши.* Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача йиллик иш кунларига, ўртача иш кунининг давомийлигига ва ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.
2. *Ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши.* Бу омил таъсирини аниқлаш учун ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига, режадаги ўртача иш кунининг давомийлигига ва ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.
3. *Ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши.* Бу омил таъсирини аниқлаш учун ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига, ўртача йиллик иш кунларига ва режадаги ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.
4. *Ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши.* Бу омил таъсирини аниқлаш учун ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига, ўртача йиллик иш кунларига ва ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади.

Таҳлил жараёнида юқорида қайд қилинган омилларнинг товар айланиши ҳажми ўзгаришига таъсирини ҳамда корхона бўйича меҳнат унумдорлиги ва бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун 2.9-жадвалдаги

шакл қўлланилади. Бунда таҳлилнинг фарқни топиш, занжирли боғланиш ва фоизли сонлар бўйича фарқни топиш усулларидадан фойдаланилади.

2.2.1-жадвал

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	Фарқи +, -	2011 й.га нисбатан бажарилиши, %	
					2009 й.	2010 й.
1. Товар айланиши ҳажми, м.с.	8410277	9292795	10222075	929280	121,5	110
2. Жами ходимлар ўртача сони, нафар	283	320	359	39	126,9	112,2
3. Хизматчиларнинг ўртача сони, нафар	91	93	97	4	106,6	104,3
4. Хизматчиларнинг жами ходимлари орасидаги улуши, %	32,16	29,06	27,02	-2,04	X	X
5. Хизматчилар томонидан ишланган жами одам-кунлар	29575	30690	31040	350	105,0	101,1
6. Битта хизматчига бир йилда тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунлари	325	330	320	-10	98,5	97,0
7. Хизматчилар томонидан ишланган жами одам-соатлар	275047,5	285417	290224	4807	105,5	101,7
8. Ўртача иш куни давомийлиги, соат	9,3	9,3	9,35	0,05	100,5	100,5
9. Битта жами ходимига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажми, м.сўм	29718,3	29040	28473,7	-566,3	95,8	98,0
10. Битта хизматчига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажми, м.сўм	92420,6	99922,5	105382,2	5459,7	114,0	105,5
11. Ўртача бир иш кунига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми, м.сўм	284,4	302,8	329,3	26,5	115,8	108,8
12. Ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми, м.сўм	30,6	32,6	35,2	2,7	115,2	108,2

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, товар айланиши ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 929280 минг сўмга ортиқча бажарилган ёки 110% ни ташкил этган. Бунга меҳнат омиллари қуйидагича таъсир кўрсатган:

1. Хизматчилар сони 2010 йилдагига нисбатан 4 нафарга кўпайиши товар айланиши ҳажмининг 400197,6 минг сўмга камайишига олиб келди:

$$4 \times 330 \times 9,30 \times 32,6 = 400197,6 \text{ минг сўм}$$

2. Корхонада ҳар бир хизматчи 2010 йилдагига нисбатан 10 кун кам ишлаган. Бу, товар айланиши ҳажми 294084,6 минг сўмга камайишига сабаб бўлди:

$$- 10 \times 97 \times 9,3 \times 32,6 = - 294084,6 \text{ минг сўм}$$

3. Таҳлил қилинаётган корхонада ўртача иш кунининг давомийлиги 2010 йилдагига нисбатан 0,05 соатга ошган. Бу, товар айланиши ҳажмининг 50595,2 минг сўмга кўпайишига олиб келди:

$$+ 0,05 \times 97 \times 320 \times 32,6 = +50595,2 \text{ минг сўм.}$$

4. Ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 2,7 минг сўмга кўпайган. Яъни меҳнат унумдорлиги даражаси ортиши ҳисобига товар айланиши ҳажми 783604,8 минг сўмликка камайган:

$$2,7 \times 97 \times 320 \times 9,35 = 783604,8 \text{ минг сўм.}$$

Ҳисобнинг тўғрилигини текшириш:

$$783604,8 + 50595,2 - 294084,6 + 400197,6 = 940313 \text{ минг сўм.}$$

Таҳлил натижаларини умумлаштириш учун 2.3.2-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади:

2.2.2-жадвал

Таҳлил натижаларини умумлаштириш

Товар айланиш ҳажми, м.с.		Фарқи +, -	Таъсир кўрсатувчи омиллар			
2010 йил	2011 йил		хизматчи-лар сонининг ўзгариши, нафар	ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши	ўртача иш куни давомий- лигининг ўзгариши, соат	ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айла- ниши ҳажмининг ўзгариши
9292795	10222075	929280	400197,6	- 294084,6	50595,2	783604,8

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, товарларнинг айланиш ҳажмини кўпайтириш учун таҳлил қилинаётган савдо корхонасини сотувчилар билан тўлиқ таъминлаш, ўртача иш кунларини режада кўзда тутилган даражага етказиш ва бир соатга тўғри келадиган товарларнинг айланиш ҳажмини ошириш лозим.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши халқ хўжалигида алоҳида аҳамият касб этади: муомала доирасида бўлган товар заҳираларининг айланиш вақти қисқартиришига, муомала харажатлари камайтиришига, рентабеллик

даражаси ошишига ва пировард натижада корхонининг самарадорлик даражаси юксалишига олиб келади.

Корхонада меҳнат унумдорлигининг миқдор ўлчови маълум даврда бир ходим ҳисобига тўғри келадиган товар айланиши ҳисобланади ва бир сотувчи ҳисобига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми билан белгиланади. Бир ходимга тўғри келадиган товар айланиши дўконнинг товар айланишини ундаги ходимлар сонига ҳамда сотувчилар сонига бўлиш йўллари билан аниқланади.

2.2.2-жадвалда қайд этилгандек, ҳисобот даврида бир ходим ҳисобига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги режадагига нисбатан 6284,4 сўмга кам бўлган ёки режа 93,2% бажарилган. Бир сотувчи ҳисобига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги эса, режадагидан 14533 сўмга кам ёки 92,1% бажарилган.

Таҳлил жараёнида ўртача бир савдо ходимига ва ўртача бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига қандай омиллар таъсир кўрсатганлиги аниқланиши зарур.

Умуман олганда, меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига иккита омил таъсир кўрсатади. Биринчи омил сотувчилар сонининг савдо ходимлари ўртасидаги улуши ўзгариши бўлса, иккинчиси - бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлигининг ўзгаришидир.

Биринчи омил таъсири сотувчиларнинг савдо ходимлари ўртасидаги улуши фарқини режадаги бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлигига кўпайтириб, ҳосилани 100 га бўлиш йўли билан топилади:

$$\frac{0.561 \times 184916}{100} = + 1037 \text{ сўм}$$

Демак, корхона ишчи ходимлари ўртасида хизматчилар сонининг тутган ўрни режадагига нисбатан ошиши натижасида меҳнат унумдорлиги 1037 сўмга кўпаяди.

Иккинчи омил таъсири бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги фарқини ҳақиқатдаги сотувчилар сонининг савдо ходимлари ўртасида тутган улушига кўпайтириб, кўпайтмани 100 га бўлиш йўли билан топилади:

$$- \frac{14533 \times 50.387}{100} = -7321.4 \text{ сўм}$$

Текшириш: $-7321.4 + 1037 = -6284.4 \text{ сўм}$.

Демак, бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги режадагига нисбатан камайиши корхона бўйича меҳнат унумдорлиги 7321.4 сўмга камайишига олиб келган.

III-БОБ. “UZ-DONG JU PAINT CO” ҚҚДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

3.1. Корхонада меҳнат шароитларини ташкил этишда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш

Меҳнат шароитларини ҳар томонлама соғломлаштириш ва енгилаштириш корхоналарда меҳнатни ташкил қилишнинг муҳим йўналишларидан биридир. Шунинг учун ҳам меҳнат шароитини яхшилаш ва халқ фаровонлигининг тўхтовсиз ўсиб боришига таъсир қилувчи меҳнат самарадорлигини ошириш омили бугунги куннинг муҳим ва долзарб масаласи ҳисобланади.

Ходимлар организмлари сифатлари фойдали ва унумли бўлиши, шахс соғломлиги натижасида меҳнат қилиш қобилиятини йўқотмаслиги ва унинг гармоник ривожланишини таъминлаш учун меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш шароитлари яратилиши зарур.

Меҳнат шароитларини яхшилаш муаммолари марказида жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи – меҳнаткаш инсон туради. Меҳнат шароитини яхшилаш учун унинг унумдорлигини ошириш, қизиқарли ва хавфсиз бўлишини, шунингдек, ходимнинг меҳнат қобилияти ва ҳаёт фаолияти узоқ вақт сақланишини таъминловчи муҳим омилдир. Ушбу жараён биринчи марта АҚШда ривожланган асосан корхоналар рақобат шароитида меҳнат шароитларини келажагини ҳал қилувчи жараёнлигини асослаб берган. Ҳар қайси АҚШ корхонаси у ёки бу истеъмолчилар гуруҳи учун маълум қийматга эга бўлган меҳнат ёки товарни таклиф қилади.

Корхона психологлари ва бошқарувчилар меҳнат шарт шароитларини ҳамда маҳсулотни лойиҳалаштириш жараёнидан ўргана бошлашади. Америка бошқарувчилари меҳнат шароитларини бошқариш жарёнини тўрт босқичга ажратишади. Булардан биринчиси, меҳнат ҳолатини таҳлил қилишдир, бу босқичнинг ўзи бир неча ташкилий ишлардан иборат бўлиб,

улардан бири меҳнат шароитларини бўйича ахборотлар тизимидир. Ишлаб чиқаришнинг ҳажми кам бўлганда, маҳсулот ассортименти айниқса унинг меҳнат қилишга яратилган шароити ҳозиргидек, кенг бўлмаган даврда ҳар хил тадқиқотларнинг ўрни АҚШ да сезиларсиз эди. Лекин ҳозирги даврда бошқарувчилар ишчиларни ишлаш жойларини шамоллатиш, шовқун тўғрисида максимум маълумотга эга бўлишлари керак ва бунинг учун ҳар хил меҳнат тадқиқотлари ушбу муаммони ечиш учун керакли бўлган ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилишга қаратилиши лозим демакдир. Меҳнат шароитларини таъминлаш мақсадида тадқиқотларни ўтказиш учун кичик корхоналар АҚШ да тадқиқот марказларига мурожаат қиладилар.

Меҳнат шароити кенг маънода ўзаро бир-бирига боғлиқ бутун бир ишлаб чиқариш омиллари мажмуини ўз ичига олади. Бу мажмуага меҳнат ва дам олиш тартиби, иш жойи ва бутун бинони, корхона майдонини ёритиш, ишлаб чиқариш биноси ва бутун асбоб-ускуналарни техника эстетикаси талабларига мувофиқ бўяш, ҳарорат режими, бино ва иш жойидаги ҳавонинг тозалиги, ишлаб чиқариш шовқини ва тебранишлардан муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда ишчиларга одатдаги (нормал) маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш, оғир жисмоний ишларга барҳам бериш сингари масалалар киради.

АҚШда меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича корхоналарда меҳнатни ташкил қилиш тадбирлари режалаштирилаётганда қуйидаги шароитлар ва талаблар етарлича ҳисобга олиниши зарур:

- меҳнатнинг умумий шароитлари;
- меҳнатнинг техника шароитлари;
- меҳнат хавфсизлиги шароитлари;
- санитария-гигиена шароитлари;
- эстетик шароитлар.

Меҳнатнинг умумий шароитлари – ишлаб чиқариш ва маиший биноларнинг ҳолатидан, иш ўринларини, дам олиш бурчаклари ва жойларини ташкил қилиш ва жиҳозлашдан, ишчиларни шифобахш, профилактик овқатлар, ичимликлар, махсус кийим - бош, пойабзал билан таъминлашдан

иборат. Меҳнатнинг умумий шароитлари меҳнат ва дам олиш тартиби билан ўзаро боғлиқдир.

Меҳнатнинг техника шароитлари меҳнат курулларининг (ускуналар, машиналар, инструментларнинг) техника даражаси, ишлаб чиқариш технологиясининг қанчалик мукамаллиги билан характерланади. Техника шароитларининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири – ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси, умумий меҳнат сарфида қўл меҳнатнинг ҳиссасидир.

Меҳнат хавфсизлиги шароитлари хавфсизлик техникаси ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолатига боғлиқ. Бу жиҳатдан нормал шароит яратишнинг асосий кўрсаткичи майиб бўлиш (травматиз), касб касалликларининг бўлмаслигидир.

Меҳнатнинг санитария-гигиена шароитларига ҳавонинг ҳолати (ҳарорат, намлик, ҳавонинг чанг-гард ва газ билан тўлиш даражаси), шовқин, тебраниш (вибрация), ёритилганлик даражаси кабилар киради.

Шунингдек, маиший биноларнинг ва маиший хизмат кўрсатишнинг, тиббиёт ва даволаш-профилактика хизматини ташкил қилишнинг, умумий овқатланишнинг ҳолати, ишхоналарнинг ободонлиги ва атрофнинг кўкаламзорлаштирилганлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Меҳнатнинг эстетик шароитлари меҳнат фаолиятининг эмоционал томонига таъсир қилади. Буларга жумладан, ишлаб чиқариш биноларини ва ускуналарини турли рангга бўяш, иш ўринларини ёритиш, ишлаб чиқаришда музикадан фойдаланиш ва ҳоказолар киради.

Меҳнат шароитларининг хусусиятларидан бўлган меҳнат гигиенаси, хавфсизлик ва эстетикаси ўз навбатида меҳнат маданиятини характерлайди. Меҳнат маданияти эса ишлаб чиқариш маданияти, корхонанинг ташкилий-техник маданияти, меҳнат маданияти ва жамоа аъзоларининг шахсий маданиятини англатади. Аммо ишлаб чиқаришнинг конкрет фаолиятида меҳнат шароити ва ишлаб чиқариш маданиятини бир-биридан ажартиш мақсадга мувофиқ эмас. Меҳнат шароитини яхшилаш тадбирларининг

кўпчилиги меҳнат маданияти ва ишлаб чиқариш маданияти даражасини ошириш билан чамбарчас боғлиқ.

Меҳнат шароити ва ишлаб чиқариш маданияти даражасини ошириш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан умумийликка эга бўлиб, корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, кадрлар кўнимсизлигини камайтириш ва ҳар хил касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Европа Иттифоқи давлатларида меҳнат маданиятининг ҳолати, меҳнат шароитларига эстетик жиҳатдан чирой бериш билан ҳар томонлама таъсир этилади, чунки ўз ранги ва жойлашиши билан ажралиб турадиган янги дастгоҳларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, ишчи ишлайдиган хонанинг киши ҳиссиётига ижобий таъсир кўрсатадиган безалиши ва бошқа тадбирлар ҳар бир ишчида иш қобилиятини оширишга, чарчоқлик белгиларини камайтиришга олиб келади. Аслини олганда, меҳнат маданияти меҳнат шароитининг зарур шартларидан бири деб ҳисоблашади.

Европа Иттифоқи давлатларида меҳнат шароитларини ва ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш тадбирлари корхонага, унинг иқтисодига катта таъсир кўрсатади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, меҳнатни ташкил қилиш режаларини жорий қилишда руҳий физиолгик ва санитария-гигиена тадбирларини амалга ошириш корхона учун салмоқли ижтимоий-иқтисодий самара беради (3.1.1-жадвалга қаранг).

3.1.1- жадвал

**Европа Иттифоқи давлатлари корхоналарида меҳнатни ташкил қилиш
режаларини жорий қилишда рухий-физиологик ва санитария-гигиена
тадбирларининг тахминий самарадолиги**

№	Тадбирлар	Меҳнат унумдорлиги, % ҳисобида	Ходим ҳолатига таъсири
1.	Физиологик жиҳатдан асосланган меҳнат ва дам олиш тартибини жорий этиш	15-20	Асаб, юрак, нафас олиш ва мускул тизимининг фаолияти яхшиланади. Чарчаш аломатлари йўқолади
2.	Кишининг рухий-физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш маромини тартибга солиш	5-10	Ишнинг, хизматнинг сифати ва асаб тизимининг аҳволи яхшиланади
3.	Физиологик маълумотлар асосида иш жойларини такомиллаштириш	17-20	Чарчоқ белгилари ва жароҳат олиш камаяди. Ҳаракатлар уйғунлиги яхшиланади
4.	Бино ва жиҳозларни мақсадга мувофиқ рангга бўяш	6-10	Асаб тизимининг фаолиятини яхшилади. Ишдан, хизматдан қониқиш ҳиссиёти ошади
5.	Физиологик жиҳатдан асосланган жисмоний машқлар мажмуини жорий этиш	10-12	Ишнинг, хизматнинг сифати яхшиланади, унумдорлик даври кўпаяди, мослашув даври камаяди
6.	Оқилонга ёруғликни танлаш	10-15	Меҳнатнинг сифати ошади. Бош оғриғи йўқолади ва чарчаш аломатлари камаяди
7.	Шовқинни норматив талаблари даражасига тушириш	4-10	Бош оғриғи ва асабларнинг ўринсиз кўзғолиши, касб касалликлари камаяди
8.	Юқори иссиқлик даражасининг(30-35 ⁰ с)нормал даражага тушиши	10-18	Иссиқлик алмашуви ва терлаш жараёни камаяди

3.1.1-жадвалдан маълум бўлишича, меҳнат шароитларини яхшилаш ва ишлаб чиқариш маданиятини ўстириш корхона иқтисоди, унда фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигига бевосита таъсир қилувчи омил ҳисобланади. Аммо бу ижтимоий-иқтисодий самара тез суръатлар билан ва бирданига амалга ошавермайди, корхона ва унинг ходимларига аста-секин, сезилмасдан таъсир қилади.

Корхоналарда ишлаб чиқариш маданияти техниканинг ва ишни ташкил қилишнинг юксак даражада бўлиши ҳисобигагина эмас, балки иш

базарувчиларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириб бориш ҳисобига ҳам яратилади. Жумладан, душхоналар, ечиниш, кийниш хоналари, дам олиш ва хордиқ чиқариш хоналари, кийим шкафлари, ошхоналар шу ҳисобга киради. Тикувчилик ва тўқимачилик корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат қилиш шароитига алоҳида эътибор берилиши керак.

Корхонада қулай меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат жараёнини оқилона ташкил қилиш ва бошқариш учун техник, ташкилий-иқтисодий, руҳий-физиологик, ҳукукий, умумтаълим ва тарбиявий тадбирлар мажмуини бир йўла амалга ошириш зарур. Бу тадбирларга бир томонлама қараш, улардан фақат баъзи бирларинигина танлаш ёки вақти-вақти билан шуғулланиш корхонада меҳнатни ташкил қилишга, унинг тадбирларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатади, унга нисбатан жамоатчилик эътиборини сусайтиради.

Айни вақтда бозор иқтисодиётининг иқтисодий қонунларини чуқур тушунган ҳолда ҳўжаликни бошқаришнинг мураккаб механизмларидан бири бўлган меҳнатни ташкил қилишда меҳнат шароитлари ва ишлаб чиқариш маданиятини ҳар томонлама яхшилаш муҳим вазифа бўлиб қолади.

Ҳозирги вақтда кўпчилик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида шовқин даражаси ўртача 87-95 дБ га тенг бўлиб, бу кўрсаткич асосан нормал ҳисобланади. Аммо баъзи корхоналарда шовқин даражаси меъёридан анча ошиқдир. Масалан, Франциянинг ривожланган тўқимачилик корхоналарида, уларнинг корхона бўлимларида, цехларида шовқин даражаси 85 дБ. дан 120 дБ. гача ошади.

Шовқиннинг зарарли таъсири унинг кучи ва частотаси туфайлидир. У кўпроқ марказий асаб тизими орқали ходимнинг бутун организмига таъсир этувчи биологик қўзғатувчи ҳисобланади. Кучли шовқин нафақат қулоққа салбий таъсир кўрсатади ва ниҳоят олий нерв фаолиятининг бузилиши, қон босимининг ўзгаришига, юрак фаолиятининг бузилишига, бошда оғриқ пайдо бўлишига сабабчи бўлади.

Кўп йиллик кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, агар киши 90 дб.дан ошқроқ шовқин остида уч-тўрт йил мобайнида тўхтовсиз иш фаолиятини амалга оширса, бундай ҳолда гармония касалликлари, чала эшитиш, бош оғриғи, сержаҳиллик, ҳаддан ташқари чарчаш ва хотира сусайиши каби бир катор кўнгилсиз ҳолларга дучор бўлади.

Шу боисдан ҳам мустақил республикамизнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида шовқин ва тебраниш билан боғлиқ бўлган кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар қўлланилиб келмоқда.

Шовқиннинг зарарли таъсирларини камайтириш мақсадида, шовқин пайдо бўладиган манбаларда технологик, конструктив ва эксплуатация тадбирларини қўллаш, шовқин кучини унинг тарқалиши йўлида товуш ўтказмайдиган ёки товуш ютадиган воситалар ёрдамида камайтириш, шу ва шунга ўхшаган омилларнинг зарарли таъсирларидан шахсий ҳимоя қилиш каби тадбирларни амалга ошириш зарур.

Тебранишларнинг узоқ вақт таъсир этиб туриши ходимнинг тез чарчашига, унинг асаб тизими ва ички органлари ишдан чиқишига сабаб бўлади. Тўқимачилик соҳасидаги корхоналарда тебраниш параметрларининг энг юқориси тўқув цехларида, машинасозлик корхоналарининг темирчилик цехларида бўлиши мумкин. Тебранишга қарши курашиш учун махсус техник воситалардан (турли изоляторлар, амортизаторлардан), шунингдек, шахсий (индивидуал) сақланиш воситаларидан (масус қўлқоплар, палослар ва тўшаклардан) фойдаланилади.

Меъёридан ортиқча шовқин ва тебранишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида энг қулай меҳнат шароити яратиш соҳасида олиб борилаётган муҳим ишнинг бир қисми бўлиб, у меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг зарурий шартларидандир.

Ишловчининг кийими, иш жойининг озода, саронжом ва батартиблиги иш жойи маданияти элементларига киради. Кийим қулай, бежирим, иш ёки

хизмат характериға мос гигиеник хусусиятли бўлиши ва меҳнат ҳафсизлигини таъминлаши керак. Иш жойини озода ва тартибли сақлаш учун уни мунтазам йиғиштириб ва асбоб-ускуналарга қараб туриш, яъни асбоб-ускуналарни мунтазам тозалаш графигига қатъий риоя қилиш керак.

3.2. Меҳнат муносабатларини ривожлантириш орқали самарали меҳнатни ташкил этиш йўллари

Қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини янада ривожлантириш, мулкдорлар ва тадбиркорлар қатламини яратиш жараёни ўзига хос хусусиятлар билан алоҳида ўрин тутди. Жаҳон тажрибасига кўра, бозор муносабатларини аграр соҳада жорий қилишнинг энг муҳим йўналиши фермерларга қулай иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароит яратиш ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий омиллардан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Бу жараён фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини такомиллаштирилиши билан боғлиқ ҳолда, тармоқдаги мулк ижараси ва ижара муносабатларининг мазмуни ва шаклларида келиб чиқади. Ўз навбатида, меҳнат муносабатларини ўзгариши, аҳоли зич бўлган ҳудудларда иш ўринлари учун рақобат муҳити шаклланишига олиб келади.

Иқтисодий ҳаётимизда тобора кенг ёйилиб бораётган ижара муносабатлари шаклан ва мазмунан хилма-хилдир. Одатда тўлақонли ижара, пудрат элементлари ҳамда ижара пудрати бир-биридан фарқланади. Ижара бу шартнома асосида ер, бошқа табиий ресурсларни муайян тўловлар эвазига вақтинча фойдаланиш учун бошқа бировга топширилишидир. Бунда мулк эгаси (ижарага берувчи) ўз мулкни бировга (ижарачига) ишлатиш ва фойдаланиш учун беради. Айни вақтда ҳар икки томон фойда олишни кўзда тутди ва бунга интилади.⁴

Бугунги кунда ривожланаётган ва кам ривожланган мамлакатларда йирик ер эгалари томонидан ерни ижарага бериш деҳқонларнинг ердан

⁴ Ибратов Б. Ижара ҳақида нималарни биласиз ? Т.: Адолат, 1996. – 7 б.

фойдаланишларидаги асосий йўналиш ҳисобланади. Бунда реал қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар бўлган деҳқонлар, ерга мулкчилик ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, рента тўловларининг каттагина қисми йирик ер эгасида қолади. Натижада, йиллик фойда ерга сарфланмайди ва қишлоқ хўжалигига қайтарилмайди. Ривожланган мамлакатлар аграр секторида тадбиркорлик ижараси кенг тарқалган бўлиб, бунда тадбиркор ўзининг сармоясини ердан фойдаланишга сарфлайди ва хўжаликни ёлланма меҳнатдан фойдаланиш йўли билан бошқаради. Шу асосда тадбиркор рақобатга тортилган иқтисодий субъектлар ўртасида юқори мавқе ва фойда олишга интилади.

Биринчидан, мамлакатимиз табиий-иқлим шароитларига кўра, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли бўлган ерлар мамлакат бутун ер майдонларининг 10 фоиздан камроғини ташкил этади. Ер ресурсларининг чекланганлиги боис, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган ерларга республикадаги потенциал ердан фойдаланувчилар томонидан талаб таклифга нисбатан анча юқоридир.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун фойдаланилмаётган ерларнинг 82 фоизи сунъий суғоришни талаб этади. Мелиорация-ирригация тизимлари эса, жуда қиммат туради. Бундай тизимларни барпо қилиш ва сақлаб туриш нафақат майда балки йирик, аммо тарқоқ ҳолда бўлган ердан фойдаланувчиларнинг ҳам қўлидан келмайди.

Бозор муносабатлари қарор топган кўплаб давлатларда, шунингдек, мамлакатимиз мулкчилик муносабатларида қўлланиладиган «Мулкчиликнинг ижара шакли» тушунчасини ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи-назардан чуқур таҳлил қилинса, ташқи кўриниши бўйича бири иккинчисига қарама-қарши бўлган тушунчалар-ижара ва мулкчилик ўзаро бир-бирини тўлдириб туриши мумкинлиги ва зарурлигини англаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида ўз аксини топган аграр сектордаги ислоҳ қилишга ёндашувнинг ўзига хослиги айнан шунда намоён бўлмоқда.

Мулкчиликнинг ижара шакли ер эгаси ва ердан фойдаланувчи ўртасидаги муносабатларни шундай аниқ бир ифодасидирки, бунда самарали ишлайдиган ердан фойдаланувчи ер эгасининг муайян ҳуқуқларини олади, яъни ижарачи ер эгасининг муайян ҳуқуқларини қўлга киритади. Мамлакатимизда шаклланаётган мулкый ижара ва ижара муносабатлари тизимида қуйидаги тамойиллар устувор аҳамиятга эга ҳисобланади:

1. Ўзбекистонда ер ресурслари жуда чекланган бўлиб, агар уларнинг мулкдори бутун халқ бўлиб, ерга мулкчилик ҳуқуқини давлат амалга оширса, адолатли бўлади.
2. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини давлат танлов асосида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларга, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ер технологиясини яхши биладиган ва ундан самарали фойдаланадиган фермерларга ўтказилади.
3. Хўжалик юритувчи субъектлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини ижара шартларида оладилар ҳамда ишлаб чиқаришни ўзлари учун қулай бўлган ҳар қандай шаклда, жумладан, хусусий фермер хўжалиги шаклида ҳам ташкил қилишлари мумкин.
4. Ижара шартномаси ердан фойдаланувчи билан узоқ муддатга-50 йилгача ижара муддатини узайтириш ҳуқуқи билан ташкил қилинади. Бундай катта давр ижарачига ернинг ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш учун узоқ муддатли капитал қўйилмалар ажратишга қулай шарт-шароит яратади.
5. Давлат ер ҳақидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминламаган ижарачилар билан ижара шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида» ги Қонунида фермер хўжаликлари томонидан ерни ижарага олиш ҳуқуқи фақат ерни ижарага берувчи орган розилиги билан гаровга қўйилиши, фермер хўжалигининг банкдан кредит олиш учун ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш жараёнини мураккаблаштириб юборарди.

«Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Қонуннинг янги таҳририда (2004 йил 24 августда) фермер хўжалиги ўз хоҳишига кўра, ер участкасини ижарага

олиш ҳуқуқини кредит учун гаровга қўйиш имкониятига эга бўлди. Шулардан келиб чиқиб, Марказий банк «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом» ни ишлаб чиқиб, 2004 йил апрель ойидан амалга киритди. Ушбу Низомга асосан, тижорат банклари фермер хўжаликларига уларнинг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлар беришни йўлга қўйди. Шунингдек, «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Қонуннинг янги таҳрири 11- моддасига кўра ер участкасидан фойдаланганлиги учун ижара ҳақи сифатида ягона ер солиғи ставкаси миқдорида тўланиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтгандан кейин дастлабки икки йил мобайнида солиқ тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиб, банкдан кредит олишнинг муҳим афзаллиги шундан иборатки, бунда фермер хўжалиги нафақат ғалла ва пахта етиштириш харажатларини қоплаш, балки бошқа ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинини парваришлаш, техника сотиб олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини барпо этиш имкониятига эга бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, фермер хўжалиги томонидан ер мақсадга мувофиқ ишлатилмаган ҳолларда, уни ижарага берувчи (туман ҳокимлиги) фермер билан тузилган шартномани қонунда белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилиши ва ер участкасини олиб қўйиши мумкин. Фермер хўжаликлари республикамизнинг барча минтақаларида, жумладан суғориладиган лалми, чўл, ва яйлов ерлари, шунингдек тоғ ва тоғ олди ерларида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 61,8 фоизи 10 йилгача, 9,4 фоизи 10-20 йилгача, 7,4 фоизи 20-30 йилгача, 2,4 фоизи 30-40 йилгача, 19,0 фоиз қисми эса 40-50 йилгача муддатга ер майдонларини ижарага олишган.⁵

⁵ Фарманов Т.Х. Ҳзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари (и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати)

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари ташкил қилиниб, уларга муайян шароитлар ярати берилсада, айрим фермерлар маҳсулот тайёрлаш юзасидан тузилган шартномаларни бажара ололмаптилар. Жумладан, 2011 йил ҳосилидан давлатга дон сотиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг 9733 таси ёки 14,8 фоизи бажарилмади, яъни 110 минг тонна дон етказиб берилмади. Йил бошида шартнома тузиб, тегишли моддий ресурслар ва маблағларни олган бўлса-да, 1561 та фермер хўжалиги давлатга умуман дон топширмади. Ўз навбатида, сурункасига шартнома мажбуриятларини бузган, ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланган 2879 та фермер хўжалигидан 92693 гектар ер қайтариб олинди. Пахта тайёрлашда 47 туман, 374 та ширкат, 12611 та фермер хўжаликлари белгиланган шартномавий мажбуриятларини бажара олмадилар.⁶

Ижара тўловига бизнингча қуйидаги омиллар таъсир этади:

- ҳар гектар ердан, ҳар бош чорва молдан оладиган фойда;
- ижарага бўлган талаб ва таклиф мутаносиблиги;
- ер майдонининг сифати ва қаерда жойлашганлиги;
- чорва молларининг зоти, техника жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси;
- транспорт билан таъминланганлик даражаси.

Ижарачи тўлайдиган тўловлар давлат солиғидан, суғурта бадаллари, ижара тўлови, амортизация ва ер рентасидан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Ер кодекси» ҳам қишлоқ хўжалигидаги ижара муносабатларининг ҳуқуқий механизмининг асосини таъминлаш ва шу орқали турли хўжалик юритиш шаклларидаги ижара муносабатларини тартибга солишга қаратилган. Қонун ижара муносабатларини субъектларининг иқтисодий ва юридик мустақиллиги кафолатланган, уларнинг эгаллиги, манфаатлари белгиланган. Шунингдек, мулкка эгалик қилишда фермер, оила пудратчи ва деҳқон хўжалиги ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштиради ва ҳуқуқий тартибга солиб

⁶ «Халқ сўзи» газетаси. – Т.: 2005. - 15 февраль.

туради. Ер кодекси қоидалари аграр муносабатларнинг ҳуқуқий асосини таъминлаб берувчи қонунлар билан, кооператив (ширкат), фермер ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар ва бошқа фармонлар узвий боғланган бўлиб, ижара муносабатларини жорий этиш чоғида уларнинг қўлланишига оид ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради. Ҳар хил миқёсдаги ижара муносабатлари, ижарага берувчи билан ижарачи ўртасида муносабатларда ҳуқуқий асосда ўз аксини топади. Мазкур шартнома тенг ҳуқуқли ва ихтиёрийлик асосда тузилади⁷. Ижара шартномалари тузилганда қуйидагилар эътиборга олинади:

- ижарага ер, ишлаб чиқариш воситалари маълум вақтга берилади;
- яратилган маҳсулотни сотиш тартиби ва баҳоси, муддати, миқдори келишилади;
- ижара ҳақини ва бошқа тўловларнинг миқдори ва тўлаш муддатлари аниқ белгиланади;
- уруғлик, минерал ўғит, ремонт ва транспорт хизматига ҳақ тўлаш кўрсатилади;
- моддий-техника, ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни ташкил қилиш эътиборга олинади, уларнинг янгиланиб туриши ва қиймати белгилаб қўйилади;
- олинган мажбуриятларни бажармаган томонларга кўриладиган чоралар аниқланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ижара асосида ер участкаларидан фойдаланиш турли хўжалик юритиш шаклларида қуйидагича амалга оширилади:

1. Кооператив (ширкат) хўжалиги оила пудратчиларда қисқа муддатли-уч йилгача ва узоқ муддатли-уч йилдан ўн йилгача бўлади;
2. Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига йигирма беш йилгача берилади;

⁷ Маҳкамов И., Сирожиддинов И. Ижара ва ижара пудрати - қишлоқда бозор муносабатларини шаклланишининг муҳим йўналиши. – Н.: 1993. – 11 б.

3. Фермер хўжалиги учун ер участкалари ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Узоқ йиллар ширкат ва жамоа хўжаликлари ихтиёрида бўлган боғ ва токзорлардан фойдаланиш самарадорлигининг ўта пастлигини эътиборга олиб, уларни ўрнида фермерлик ташкил қилинмоқда. Боғ ва токзорлар «Ер кодекси» да кўзда тутилганидек, ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади. Ўз навбатида, ижарага берилаётган боғ ва токзорлар контури ижара шартномасига илова қилиниши талаб этилади. Ижарага олинган боғ ва токзорлар учун ижара ҳақининг 50 фоизини шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб биринчи йил учун бир ой муддатда, иккинчи йиллар учун йилнинг биринчи ойи мобайнида ва қолган қисми ўзаро келишилган ҳолда йилнинг 31 декабргача тўланиши керак. Йиллик ижара ҳақи боғ ва токзорнинг ёши, ҳосилдорлиги ва турига қараб аниқланади, ҳар йиллик пулни қадрсизланишини ва моддий-техник ресурсларга бўлган нархнинг ўсишини (камаيши)га қараб қайта ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Боғ ва токзорларга эга, бироқ сурункали зарар билан ишлаётган ширкат, жамоа хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида боғ ва токзорлар фермер хўжаликларини ташкил қилиш объекти ҳисоблансада, лекин улар иккиламчи ижарага берилмайди. Балки муайян хўжалик негизида ташкил қилинаётган фермер хўжаликлари боғ ва токзорларни сотиб олиб, улар жойлашган ер участкаларини белгиланган тартибда ижарага оладилар. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 243-сонли қарорига биноан Хоразм вилоятида, 543-сонли қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси жанубий ҳудудларида фермер хўжаликларига айлантирилган хўжаликларда бу жараён тендер (танлов) асосида амалга оширилди. Хоразм вилоятида янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига боғ ва токзорларнинг 1 гектари 500 минг сўмдан 1 млн. 200 минг сўмгача, кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳар гектари 300-500 минг сўмгача сотилди.

Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги» тўғрисидаги

конунининг 5-моддасига асосан, ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачиликда камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил қилади. Ер ресурслари етарлича бўлган чўл зоналарида фермер хўжаликлари майдони бундан кўпроқ, аксинча, аҳолиси зич бўлган худудларда кам майдонларни ташкил этади.

Юқорида таъкидланганидек, фермер хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер майдонлари эллик йилгача берилган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Ерни узоқ муддатга олган фермер узоқни кўзлаб иш тутати, унга бир йилга эмас, узоқ муддатга берилганлиги натижасига у ўз манфаати ва тақдирини ерга боғлиқлигини ҳис қилади. Бу борадаги муҳим жиҳат, фермернинг ердан ижара мулки сифатида ишлаб чиқаришда фойдаланиш тузилмасини юқори даражада яқинлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун бизнингча, қуйидаги шартлар бажарилганда фермер хўжалигидаги ижара муносабатлари эркинлашади, меҳнат муносабатлари яширин тарзда эмас, аксинча, ошкора тус олади:

- ижара муддатини узайтириш ва ижара ҳақини тўғри аниқлаш;
- етиштирилган маҳсулотни мустақил тасарруф этиш;
- нархнинг бозор тузилмаси асосида шаклланиши;
- хизмат кўрсатувчи соҳалар билан қишлоқ хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг бозор қонуниятлари асосида қурилиши;
- шартномалар тузишда томонлар тенг ҳуқуқлигини таъминланиши зарур.

Шунингдек, фермерлар ўзига ажратилган ер участкаларида қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиб, уни хусусийлаштириши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши, иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас. Ижара муддати давомида фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда ерни ижарага олиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, хўжалик аъзоларининг бирига ўтади. Илғор тажрибага эга, бозор талабларига мос ҳолда, бозор муаммоларини енгиб, эллик йиллик

ижара ҳуқуқи жараёнида давлат ва ўз манфаатларини қондиришга эришган фермерлар ижара муддати тугагандан сўнг, яна ижара шартномаси тузиб, ўз фаолиятларини давом қилишилари мақсадга мувофиқдир. Бунда фермерга қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллар, паррандалар, қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуна ва пул маблағларига эгалик сақлаб қолинади ва уни давлат томонидан ҳимоя қилиниши керак.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида ишчи кучидан самарали фойдаланиш асосида корхонада ишчилар ўртасида ўз ишига мотивация шакллантирилиб, иш унумдорлиги ортиб бормоқда. Шунинг учун корхонада меҳнатни илмий ташкил этиш асосларини ишлаб чиқан. Шунингдек, корхонада меҳнатни илмий ташкил этишнинг хориж тажрибаси самарадорлигини ошириш йўллари кўп қирралидир. Бу ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш, янги машинларни жорий қилиш, ишлаётган дастгоҳларни замонавийлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни илмий тарзда ташкил этишни яхшилаш, иш вақтидаги йўқотишларни тугатиш, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларидан фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш системасини тўғри ташкил қилиш керак. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб қуйидаги хулосаларни келтирмоқчимиз:

1. Корхонада қулай меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат жараёнини оқилона ташкил қилиш ва бошқариш учун техник, ташкилий-иқтисодий, руҳий-физиологик, ҳуқуқий, умумтаълим ва тарбиявий тадбирлар мажмуини бир йўла амалга ошириш зарур. Бу тадбирларга бир томонлама қараш, улардан фақат баъзи бирларинигина танлаш ёки вақти-вақти билан шуғулланиш корхонада меҳнатни ташкил қилишга, унинг тадбирларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатади, унга нисбатан жамоатчилик эътиборини сусайтиради.

2. Таҳлил натижаларига кўра, “ЎзДонгЖу Паинт Со” қўшма корхонасида меҳнатни илмий ташкил этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар берилди. Жумладан, ушбу ҳолат базис ва жорий даврлардаги ходимлари таркиби фоизларда кўрсатиб ўтилган. Базис йилда асосий ва ёрдамчи саноат ишчилари жами ходимларнинг 47 %ини ташкил этган бўлса, 2011 йилда, яъни жорий йилда улар 45% га эга бўлишган. Демак, корхонада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш натижасида инсон қўл меҳнатининг

камайишини ва корхона фаолиятини тартибга солувчи мутахассислар миқдорини ошганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

3. Меҳнат шароитларининг хусусиятларидан бўлган меҳнат гигиенаси, хавфсизлик ва эстетикаси ўз навбатида меҳнат маданиятини характерлайди. Меҳнат маданияти эса ишлаб чиқариш маданияти, корхонанинг ташкилий-техник маданияти, меҳнат маданияти ва жамоа аъзоларининг шахсий маданиятини англатади.

4. Меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига иккита омил таъсир кўрсатади. Биринчи омил сотувчилар сонининг савдо ходимлари ўртасидаги улуши ўзгариши бўлса, иккинчиси - бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлигининг ўзгаришидир. Биринчи омил таъсирида корхона ишчи ходимлари ўртасида хизматчилар сонининг тутган ўрни режадагига нисбатан ошиши натижасида меҳнат унумдорлиги 1037 сўмга кўпаяди. Иккинчи омил таъсирида бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги режадагига нисбатан камайиши корхона бўйича меҳнат унумдорлиги 7321.4 сўмга камайишига олиб келган.

“ЎзДонгЖу Паинт Со” кўшма корхонасида меҳнатни илмий ташкил этишни хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш учун қуйидаги илмий таклифларни келтирмоқчимиз:

- кўшма корхонада меҳнатни илмий ташкил эти ва нормалаштириш усулларида кўроқ фойдаланиш;

- кўшма корхона ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

- кўшма корхонага жаҳон даражасидаги энг замонавий технологияни олиб кириш ёки олиб келишга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан кўшма алоқаларни юргизиш ва меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича ҳам дастурлар тайёрлани

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Корхоналар тўғрисида»ги қонун. 1991-2006 йиллар.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамияти демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон 2005.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади / 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлаган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // – Т. Халқ сўзи, 2012, 20 январь, № 14 (5534), –2 б.
5. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Тошкент. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2003.
6. Абдурахманов Қ. Х., Мамарасулов Ф. Меҳнат иқтисоди.- Т.: ТДИУ, 1996;
7. Абдурахмонов К.Х. ва бошқалар “Персонални бошқариш” Т, “Шарқ” 1998й
8. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: Меҳнат, 2009
9. Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари.-Т.: Молия, 2005;
10. Б.Умурзақов, М.Раҳимов. Меҳнат муносабатлари ва менталилет.-Т.: Ўзбекистон, 2005;
11. Борисов е.Ф. Экономическая теория: учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 544 с.; Шишкин А. Ф. «Экономическая теория», учебник, книга 2, М. изд-ва «Владос», 1996, 154 с.
12. Генкин Б.М. Организация, нормирование и оплата труда на промышленных предприятиях. Учебник для вузов. М.: Издательство «Норма». 2008.
13. Головкова Н.С., Заболатная Н.В., Щербакова И.Г. Финансова-экономическое состояние предприятия: Учебное пособие. БУПК. Белгород, 2003.
14. Ғуломов С.С. ва бошқалар “Менежмент асослари” Тошкент 1998й
15. Ғуломов С.С. ва бошқалар “Ходимларни бошқариш” 1-қисм Фарғона 2000й

16. Ғуломов С.С., М.И Тошнӣёров ва бошқалар “Машинасозлик корхоналарида микроиктисод” 1997й
17. Додобоев Ю.Т ва бошқалар “Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш” Тошкент 1999й
18. Ибратов Б. Ижара ҳақида нималарни биласиз ? Т.: Адолат, 1996. – 7 б.
19. Коршунова Т.Ю. Словарь по трудовому праву. М.: БЕК. 1998;
20. Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекистане. – Т.: Узбекистан. 1989;
21. Маҳкамов И., Сирожиддинов И. Ижара ва ижара пудрати - қишлоқда бозор муносабатларини шаклланишининг муҳим йўналиши. – Н.: 1993. – 11 б.
22. Назаров А.Ш. «Меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш». Дарслик . Т.: 2004.
23. Практикум по экономике, организации и нормированию труда. Учебное пособие. Под редакцию прою.П.Э.Шлендера. М.:Вузовский Учебник. 2007.
24. Рахимова Д.Н. Управление процессами развития и использования трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. - Т.: ТГТУ, 2000.-247;
25. Ромашов О.В. Социология труда. М.: Гардарика, 1999;
26. Рофе А.И. и др.«Экономика труда», учебник для вузов. М.: МИК – 2000.
27. Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики. М.: 1996;
28. Фарманов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришининг асосий йўналишлари (и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати)
29. Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: Теория, практика, проблемы. - Т.: Узбекистан, 1994.
30. Ш.Шодмонов., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси.-Т.: Молия, 2002;
31. Экономика труда / Под ред.Горелова Н.А. – Учебник. СПб.: Питер, 2007.
32. Экономика труда Волгина Н.А., Ю.Г. Одегова. (социально – трудовые отношения) , пред ред., 2002.